



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

www.uzas.uz

2016-yil 11-noyabr № 46 (4393)

ҚУЁШЛИ ЮРТ МЕВАЛАРИ

Қўчат экиб, боғ яратиш, юртимизни боғу бўстонга айлантириш халқимизнинг эзгу қадриятларидан бири. Чунки боғ-роғларимиз қанча кўпайса, дастурхонимиздан қишин-ёзин сархил мева, сабзавотлар узилмайд.

Бозорларимиз тўкин, турмуш фаровон бўлади.

Масалан, уйимиз ёнидаги кичкина бозорчани айлансангиз ҳам илк назаримиз тушадиган неъмат рангбаранг товланиб турган сархил мева-валар бўлади. Бозору дўконларимизда, ҳатто қишининг изгиринли кунларида ҳам сархил мева-валар янги узилгандай ҳаридорларни ўзига чорлайди. Аслида мева-валар май ойида ҳам сифатини сақлаб туриши боғбон-соҳибдорлар, олимларнинг янги навлар устидаги изланишлари самарасидир.

Куз — галвир сувдан кўтариладиган палла. Боғбон-соҳибдорлар етиштирган мева-сабзавот ҳосилини йиғиштириб оладилар. Бозордан ортгани хорижга ҳам экспорт қилинади. Чунки она заминимиз мева-сабзавотлари таркиби табиий шаклда, органик кислоталар, турли микроэлементлар ҳамда биологик моддаларга бойлиги билан ажралиб туради. Қуни кеча пойтахтимиздаги "Ўзқоспона"да I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасига ташириб буюрган хорижлик мутахассислар ҳам айна шу жиҳатни алоҳида таъкид-

лашди. Мазкур йирик анжуманда ўттиздан ортиқ мамлакатнинг компания ҳамда фирмалари етакчи экспертлари, савдо ҳамда логистика марказлари раҳбарлари иштирок

Фаровонлик

этиди. Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон боғдорчилиги ютуқлари билан яқиндан танишиш билан бирга тўғридан-тўғри савдо алоқалари ўрнатиш учун шартномалар тузишди. — Ўзбекистоннинг қулай географик ўрни, мўтадил иқлими қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш учун табиий имконият беради, — дейди Россия Федерацияси қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Евгений Громико. — Сабаби бу ҳудудда йил давомида пишиқчилик бўлади. Демак, соҳибдорларнинг биз сингари ҳамкорларга йил давомида ноз-неъматларни етказиб бериш имкони катта. Экспорт салоҳияти ортиб бораётгани боис, Ўзбекистон ишончли ва стратегик ҳамкоримизга

айланган. Ушбу халқаро форум ҳам ҳамкорларга мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини ошириш имконини бериши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, кўп асрлик анъанавий сабзавотчилик ва боғдорчилик маданияти биологик деҳқончилик таомилларида асослангани боис, заминимизда етиштирилган мева-сабзавотлар азал-азалдан юксак сифати билан маълуми машҳур. Айниқса, юртимиз мустақилликка эришгач, мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ташкил этилиб, боғлар соҳибдору боғбонларга топширилди. Эндиликда уларнинг ташаббуси билан жаҳоннинг илғор тадбирлари, замонавий технологиялари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Пировардида йилдан-йилга ҳосилдорлик ошиб, ҳар йили юртимизда 17 миллион тоннадан зиёд мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Экологик тоза маҳсулотларга кундан-кун талаб ортиётгани боис, олхўри, узум, ўрик, олма, ёнғоқ, қарам ва бошқа ноз-неъматларни экспортга чиқариш ҳажми бўйича юртимиз дунёда етакчи 10 та давлатдан бирига айлангани ҳам бежиз эмас. Бу йил 250 миллион АҚШ доллари баҳосидаги маҳсулотлар экспорт қилини қўйилмоқда.

Давоми иккинчи саҳифада.



Анвар САМАТХОЖИЕВ олган сурат.

МУШТАРАК ҚАДРИЯТЛАР

Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи, маданияти юзлаб йиллардан бери бир-бирига яқинлашиб келмоқда. Миллатларимизни бирлаштирган бу қўна ришталар тобора мустақамланиб бораёттир. Пойтахтимиз ҳамда қадим Бухорода бўлиб ўтаётган Туркманiston маданияти кўнлари бунинг ёрқин намоишига айланган. Шу муносабат билан Туркманiston Маданият вазири ўринбосари А.Шомуродов раҳбарлигида бир гуруҳ санъат ва маданият намояндлари мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида ўтган маданият кўнларининг очилиш маросимида концертда томошабинлар туркман қардошларимизнинг бой музикаси мероси намуналаридан баҳраманд бўлди. Кеча "Деҳистон" рақс ансамблининг жўшқин ўйинлардан иборат миллий рақс дастури билан бошланди. Туркманiston халқ артистлари Парахат Шижимов, Какадурди Тожимов, Какагелди Чориев, Шагули Аллабердиев ва Ажгул Аннанова ижросидаги миллий кўй-қўшиқлар мухлис-ларга манзур бўлди. Концертда "Сохибжамол", "Маралим", "Сумбар куйи" сингари халқ кўшиқлари, "Гўрўғли", "Тоҳир ва Зухра" дostonларидан парчалар ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Маданият кўнлари доирасида Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Туркманiston амалий ва тасвирий санъати намуналари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Унда туркман миллий санъатининг нодир намуналари ҳисобланган қашгадўзлик ишлари, миллий либослар, дастурхон, чопон, рўмол ва гиламлар намоиш қилинди. Томошабинлар туркман тасвирий санъати ривожига катта ҳисса қўшган А.Ҳожиёв, Я.Аннанурова, Е.Адамова, А.Омонгелдиев, О.Мамметмуров,

Г.Бабиқов, Г.Гочмиров сингари истеъдодли мусаввирларнинг рангтасвир асарлари билан ҳам танишиш имконига эга бўлишди.

— Туркман рассомлари мўйқаламига мансуб асарлар мазмун, шаклий ечими жиҳатидан бизга яқинлиги яққол сезилади, — деди ёш миниатюристи рассом Чарос Файзиёва. — Айниқса, ёрқин ранглардан унумли фойдаланилган эътиборимни тортди. Чунки бун-

дай ранг жиҳозларини устоз рассомларимиз ҳам кенг қўллашди. Гап фақат ранглар ўхшашлигида эмас, балки улар орқали ифодаланувчи миллий қадриятларнинг уйғунлигида. Шу сабабли ҳам кўргазмадаги туркман хунарандчилиги ҳақида ҳикоя қилувчи натюрморт, портрет, манзара жанрларидаги суратларда халқларимиз учун муштарак бўлган қадриятлар акс этган. Улар мисолида ўзбек халқ амалий санъатини ҳам ўрганиш мумкинлиги — энг муҳим жиҳат.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида икки миллат шоир ва ёзувчилари иштирокида ташкил этилган тадбир ҳамкорлик алоқалари адабиёт соҳасида ҳам ривожланиб бораётганини кўрсатди. Қизиқarli суҳбатларга бой ўтган

учрашув давомида бадий таржима, матбаа ишлари, китобхонлик, оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, маданият кўнлари давомида пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кино саройи ва Бухоро санъат коллежида туркман кинофилмлари намоиши ҳам ўтказилди. Бугун Туркманiston маданияти кўнларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз

дарси бўлиб ўтди. Консерваториянинг катта залида Швейцария, Франция, Латвиядан ташриф буюрган истеъдодли ёш солистлар Илва Вера Эйгус, Аврора Гехтер, Карлис Буковскис иштирокида Ўзбек дирижёри Алибек Кабдурахмонов бошчилигидаги Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри концерти бўлди. Кечки симфоник оркестр концертида норвегия-

"ОЛТИН КУЗ" НАВОЛАРИ

лик композитор Э.Гриннинг фортепиано ва оркестр учун концерти, бельгиялик бастакор Анри Вьётаннинг "Фантазия аппассионата", "Баллада ва полонез" асарлари ижро этилди. Кўтаринки кайфиятда ўтган дастур якунида олқишга сазовор бўлган ёш солистларга фестивал дипломи ва ҳайкалчаси тантанали тарзда топширилди.

Дунёга машҳур дирижёрлар, хонанда ва бастакорлар таклиф этилиши режалаштирилган "Олтин куз" дастуридан россиялик Влади-

мир Горбик (дирижёр), Владимир Свердлов-Ашкенази (фортепиано), Игорь Калинин (скрипка), исроиллик Юрий Гандельсман ва АҚШдан Сеннет Рошелль (фортепиано) каби таниқли санъаткорлар иштирокида маҳорат дарслари ҳамда юртимиз ижодкорлари билан биргаликда ўтказиладиган концертлар ўрин олган.

Шунингдек, Ўзбекистон Бадий жамоалари

ижодий бирлашмаси ва фольклор-этнографик жамоалари томонидан ҳам қатор маданий тадбирлар ташкил этилади. Ўзбек Миллий академик драма театри, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри, академик Рус драма театри, Муқимий номидаги Ўзбек давлат музикали театри ва Ёшлар театри жамоаларининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ижодий сафарлари уюштирилади, дуторчилар ва "Мақом" ансамбллари пойтахтимиздаги "Туркистон" санъат саройида,

ХАЛҚ ИРОДАСИ ТИМСОЛИ

Ҳар бир мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашдаги энг муҳим масалалардан бири, шубҳасиз давлат ҳокимиятининг манбаи саналувчи халқнинг иродаси, хоҳиш истаклари намоён бўлиши ҳисобланади. Мамлакатимизда эса, айнан шу омил ислохотларимизга асос қилиб олинганлиги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Исроил Каримовнинг "Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун" деган сўзларида тасдиқини топди.

Ўзига хос ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатимизда бугунги кунда Президентлик сайловини ўтказиш юзасидан барча ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови оид асосий қоидалар мамлакатимиз Конституциясида белгиланган бўлса, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади. Ўз навбатида "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунда сайловни ўтказувчи комиссияларнинг вазифалари белгиланган. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддаси талабларига асосан сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлиги-га номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайлов — 2016

Мамлакатимизда ўтказиладиган Президентлик сайловларининг энг муҳим ўзига хослиги сифатида унда фуқароларимизнинг фаол иштирок этишини эътироф этиш мумкин.

Шу кўнларда мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир — 2016 йил 4 декабрь куни ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қизғин ҳозирлик қўрилмоқда. Мазкур сайлов ҳам конституциявий орган мақомига эга, фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилмоқда. Сайлов комиссияси давомида амалга оширилган тадбирлар Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ ташкил этилмоқда. Бу жараён сайлов қонунчилигида белгиланганидек, очик ва ошкора амалга оширилиб аҳоли, сайлов комиссиялари фаолиятдан хабардор этиб борилмоқда.

М.ЗУФАРОВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати

ДАХЛДОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўтказиладиган сайловда илк бор иштирок этувчи ёшлар юртимизда бисёр. Истеъдодли созанда, "Нихол" мукофоти соҳиби Дostonбек Мирзакаримов ана шундай ёшлардан бири.

Дostonбек саккиз ёшдан Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги музика ва санъат мактабига тахсил олди.

Дастлаб рубоб чалиш сирларини ўрганди. Лекин найни маҳорат билан чалиб юксак натижаларни қўлга киритди. У 12 ёшидан бошлаб, Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган музика академик лицейида ўқиб даврада най чала бошлади. Ун олти ёшдан эса Успенский номидаги академик лицейида тахсил олди.

Ўзбекистон ва жаҳон

фольклор-этнографик жамоаларининг концерти эса вилоят марказларида бўлиб ўтади.

Халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон миллий симфоник оркестри билан ҳамкорликда италиялик машҳур хонанда ва бастакор Тото Кутуньо ҳамда жаҳоннинг машҳур опера санъати намояндаси Алессандро Сафинанинг (Италия) катта концерт дастурлари ҳаяжонли ва унутилмас лаҳзаларга бой бўлиши кўтилмоқда.

Илк бор ўтказиладиган ушбу санъат форуми Ўзбекистон ва жаҳон санъати ютуқларини ўзида муҷассам этган. Мамлакатимиз ижодкорларининг чиқишлари халқимизнинг миллий музика ва театр санъати ривожини намоён этса, хорижлик санъат усталари юрдошларимизни жаҳон классик куйлари ва оркестр ижрочилиги намуналаридан баҳраманд этади.

В.ИБРОҲИМОВА

Ифтихор

маҳоратини пухта ўрганаётган ёш созанда 2014 йили "Она юрт оханлари" ва "Созлар навоси" республика танловларида муваффақиятли қатнашди. 2015 йили "Ёш ижрочилар" кўрик-танлови лауреати ва "Нихол" Давлат мукофоти соҳиби бўлди. Бу йил Греция пойтахти Афинада ўтказилган "Ўзбекистон маданияти кўнлари"да фаол қатнашди, Римда ўтказилган халқаро музика танловида олий совринни қўлга киритди.

Д.Мирзакаримов Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институтига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиниб, изланишларини давом эттирмоқда.

— Бу йил илк бор ўз фуқаролик ҳуқуқидан фойдаланиб, сайловда иштирок этаман. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлашда биз ёшларнинг овозимиз муҳим аҳамиятга эгалигидан қўнғимда фахр-ифтихор туйғулари жўш урмоқда. Бизнинг овозимиз халқимиз ва юртимиз тақдирига дахлдор экани учун ҳам мамлакат келажаги, унинг ривожини ўйлаган ҳолда, шубҳасиз, муносиб номзодга овоз берамиз!

Исроил ИБДУЛЛА,
Санъат ва маданият институти талабаси



Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказиладиган "Олтин куз" санъат фестивали оханглари юртимиз бўйлаб кезиб юрибди. Ушбу халқаро фестивал кўнлари — 28 октябрдан 3 декабрга қадар республикамизнинг барча ҳудудларида жаҳон халқлари миллий музика ва кўшиқчилиги санъатининг ноб намуналари янграйди.

Фестивал аввалида Ўзбекистон давлат консерваториясида таниқли фортепиано, Я.Витола номидаги Латвия музика академияси профессори Юрис Калнциемснинг маҳорат

ҚУЁШЛИ ЮРТ МЕВАЛАРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Кўргазма залларини айланиб юриб бунга ишонч ҳосил қилиши мумкин. Вилоятларнинг бўлимларига қўйилган ноз-неъматлар олдида кўпга ҳақдор ташкилотлар вакилларини учратасиз. Ахир ҳар бири бош бармоқдек келадиган Паркент узумларию, Жиззах, Қашқадарёнинг қучоққа сигмайдиган тил ёрар қовун-тарвузлари олдида бефарқ ўтиш мумкинми? Айниқса, хушгад мева ва сабзавотлардан қайта ишлаб тайёрланган маҳсулотлар, дуккакли экинлар, ёнғоқ, қуриқтилган мева ва сабзавотлардан юқори нуфузли товар белгиси билан рақобатбардош маҳсулотлар сафидан ўрин олмақда. Олима Елена Шредернинг айтишича, иссиқлик ва қурқоччиликка чидамли олманинг турли навлари бугун республикамизнинг турли шароитга мос боғларида етиштирилмоқда. Чунончи, Тошкент, Фар-

ғона, Наманган ва Самарқанд вилоятларида яратилган ва давлат реестрига киритилган "Чўлпон", "Қизил тарам олма", "Малика", "Ойдин", "Фарангиз" каби олма навларининг оналик боғлари ташкил этилди. Янги интенсив боғлар, яъни тез ҳосилга кирувчи пакана ва ярим пакана пайвандтагларга уланган мевали дарахтларнинг қўчатларини кўчатиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Интенсив боғларда қўчатлар 7-8 йилда эмас, 2-3 йилда ҳосилга киради. Қолаверса, баланд дарахтли меваларни ҳар олти метрга экиш керак бўлса, пакана ва ярим пакана қўчатлар ҳар икки метрга экилади. Тўп сони қўлайиши ҳисобида ҳосил ҳам мўл бўлади. Яъни ҳар гектар майдондан 4-5 йилга келиб 50-60 тонна ҳосил олинади. Интенсив боғларнинг яна бир афзаллиги — бу дарахтларнинг танаси кичик бўлгани учун уларни кесиш, шакл бериш, дори сепиш ва мевасини териш қулай. Бундай

мевалик боғлар ўзини оқлаяпти. Бунинг исботи юртимиз бозорларида йилдан-йилга мева турларининг янги навлари кўпайиб бормоқда. Яна бир гап. Ўзбекистон жанубида мевали дарахтлар, субтропик ўсимликлар ва узумнинг янги истикболли маҳаллий навларини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқаришга татиқ қилиш жараёнида "Саратони" ва "Яхок" олма навларининг стандарт навларга тенглаша олмаса-да, бошқа кўп жиҳатдан устуңлиги аниқланибди. Ўрикнинг "Мароканд" ва "Моҳир" навлари юқори кўрсаткичларга эгаллиги билан ажралиб туради.

Манзарали ўсимликлар, хонаки гуллар, лимоннинг тувакда ўстирилиши ҳаммаимиз биламиз. Аммо тувакда олма, ўрик каби мевали қўчатларнинг ҳосилга кириши... Кўргазма залларида ана шундай тувакларда ҳосилга кирган олмаю лимонларни кўриб боғбонларимиз маҳоратида яна бир бор қойил қолдик. Юқори савия-

да ташкил қилинган ушбу форумдан кўзланган мақсад ҳам аслида шу. Юртимиздаги муҳим тармоқлардан бири — қишлоқ хўжалигининг салохиятини бутун дунёга кўз-кўз қилиш. Тадбир давомида иштирокчилар ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, мева-сабзавотларни сақлайдиган, қуриладиган, қайта ишлайдиган юқори сифатли технологиялар яратиш, катта миқдордаги мева-сабзавотларни сотиб олиш юзасидан шартномалар имзоланди.

Халқаро форум иштирокчилари билан гавжум бўлган мажмуа ажойиб манзара касб этган. Бир ёнда қизиллиги кўзни оладиган олма, бир ёнда катталиги қосадек келадиган беҳилар, яна бир ёнда турли шаклдаги ошқовоғу бақлажонларни кўриб юртимиздаги тўқинликка шукрона айтасиз. Фараҳбахш кузимизнинг сўнгги ойда ўтказилган мажмуа йирик анжуман жаҳон қўламини ўзaro манфаатли алоқаларга мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Барно СУЛТОНОВА

САРИШТАЛИК ФАРИШТАЛАРИ

Аммам айтганидай "Ой деса ойдек, кун деса кундек, ҳуллас бир қултум сув билан ютудай" соҳибжамол қиз билан кўришиш ниятида учрашув белгиланган сўлим хибонлардан бирига отландим. Ўзим истамасам-да, азбаройи, дадамнинг дашномларини эшитмаслик, онамнинг жонсарак нигоҳига боқиб малоллигидан шу қарорга келдим.

Бобом узоқ дуо қилган, останада чикишим билан момонинг "Ҳой, бола шоймай тур", деган сўзларини эшитиб тўхтадим. Саксонни уялтириб, тўксонга тўқнашай деб қолган момом секингина гап бошлади: "Қизгинанинг чиройига учиб ўтирма, тагин. Нима, чиройига нон ботириб ейсанми? Олдин одобига, озодалигига, гап-сўзларига қара. Ҳай, кейин қолганини ўйлаб кўрамиз. Энди боравер, қиз болани куттириш эр йигитнинг иши эмас". Шу гаплари айтиб бўлган, елкамини силаб, озгин қўллари билан боравер деган ишорани қилди.

Момом ҳам қизик-да, ўйладим йўл-йўлақай. Тунов кўни Эркин уч йилдан бери аҳду паймон қилиб юрган қизнинг хонадонига совчиликка борганда ҳам "томоша" кўрсатиб қайтибди. Уйга кирган, жойлашиб қўйлашмай, чойни ҳам хўп-хўпламай, дабдурустдан, қутилмаганда бирга борган холамдан бошқа ҳаммани хайрон қолдириб, "Тур Чиниқол, кетдик, яна бир ўйлашиб кўрамиз", дебдию мезбонларнинг хай-хайига ҳам қарамасдан уйга қараб жўнаб қопти. Нима эмиш, у уйда фаришталар йўқ эмиш. Кўрпачани секин сийпаласан, майда-чўйда ушқоқлар, соч толалари қўлига илашибди. Уйи ҳам саранжом эмасмиш. "Кўзим тирик туриб улар билан борди-келди қилмаман. Эркинжонимга ўзим бошқа қиз топаман", деб масалани узил-кесил ҳал қилди.

Момомга фақат бобомнинг гапи ўтади. Бошқа биров у кишига юрак ютиб бир нарса деб кўрсин-чи. Лекин бу сафар эркатой чевараси бўлса-да, Эркиннинг орасига бобом тушмади. Ёшлигимиздан "Ўзингни ҳам, сўзингни ҳам, кўзингни ҳам поклаб юр", "Тоza-озода жойда қут-барака бўлади", дея қўлоғимизга қўйиб келадиган тўксондан ошган нуроний бобомни яхши тушундим. Агар бу гапга аралашса шунча йиллик аҳдасига қарши чиққан бўлмайми, ахир.

Йўл-йўлақай ҳаёл суриб борар эканман, момонинг шу ёшга кирса ҳам ҳалигача неваря келинларига ёмон кўриниб, ҳали у ёқни йиғиштир, ҳали бу ёқни тозала деган, чечанимни тили билан айтганда, "жаврашлари" бежизга эмаслигини тушунаман. Шу боисдан Эркинбойга кўпам ачинмайман.

Ҳуллас, Қалдирғочхон ўқишига кеч қолмаслиги учун, тушимга киргандай, эрталабдан учрашувга бораёяман. Кўча-кўйдаги саранжом-саришталарни, чор-атрофнинг озодалигини кўриб димоғим чоғ бўлди. Эрталабки кайфият эса кун давомида кишини тарқ этмаслиги ҳаётимиз давомида ўз тасдиғини топиб улгурган. Бунда чор-атрофни супуриб-сидириб юрган, мунис ва мушфиқ, камтар ва камсуқум, содда ва софдил фаррош опалар — озодалик фаришталарининг хизмати катта.

Мана, мен келиб ўрнашган ўриндик ёнидан бир лаҳза олдин хув нариги ўриндик атрофини супуриб юрган озодалик фариштаси ўтиб кетган бўлса

керакки, бу ер жуда ҳам тоза, хибон эса қандайдир нурли. Барча муқаддас неъматлар покиза жойларда бўлишини кексаларимиз болалигимиздан ўқитишган. Хатто, фаришталар ҳам бундай гўзал маъволарга меҳмонга келиб, сўнг мангу мезбондек қўлиб кетишию Яратгандан ўзи турган жойга кўпроқ марҳамат кўрсатиши, мурувватини дариг тутмаслигини, қолаверса, қут-барака, ризку рўз, тинчлигую оёйсизлиги сўраб эртаю кеч дуода бўлишини эшитганмиз.

Жонажон диёримиз ҳам худди шундай қут-барака, ризку рўзи мўл, тупроғи олтинга тенг замин эканлигига хонадонлардаги тотувлик, меҳроқибат, шунинг баробарида тозалик ва озодалик фаришталарининг меҳнати ҳам муҳим ўрин тутадиган бўлса не ажаб. Эҳтимол, бу маҳалла-қўйнинг бирики ҳашар қилиши, чор-атрофни ободонлаштириш йўлида бирлашиб жон қўйдириши натижасидир.



Агар озодалик сўзининг ака-укалари қут-барака дейилса, опа-сингиллари, шубҳасиз, хотин-қизлар бўлса керак, деб ўйлайман. Оилада аёл аталмиш мўъжиза бор экан, у хонадон, албатта, файзли, нурли, озода ва саранжом бўлади.

Шаҳримиз кўчаларига қарайман, ҳавас уйғотадиган даражада тоза, озода. Ҳаммаёқ супуриб-сидирилган. Куз фасли бўлгани сабаб озодалик фаришталарининг юмуши бошқа фаслларга қараганда анча-мунча ортган. Негадир уларни келинчақларга ўхшатаман. Эътибор берган бўлсангиз, бирон маҳаллага янги келин тушгандан сўнг шу хонадоннинг атрофи эрта тонгдан сув сепилиб, супурилган бўлади. Қишлоққа келган янги меҳмон ҳам бундай озодаликни кўриб ичиди "Ҳа, бу уйга яқинда келин келибди-да", деб кўяди. Шу маънода озодалик фаришталари ҳам Ватанимизнинг доимий келинчақларидир десак, асло хато бўлмайди.

Инсон учун Ватанидан азийрок, Ватанидан муқаддасроқ, Ватанидан мўътабарроқ макон бўлмайди. Жонажон юртимиз, жаннатмонанд Ўзбекистонимиз эса ер юзидея ягона. Унинг ҳар қарич ери биз учун азиз ва қадри. Шундай экан, унинг бундай-да гўзал ва фусункор бўлишига ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Бу бизнинг фарзандлик бурчимиз.

Халқимизнинг "Обод жойда — барака бўлади, унум бўлади", "Сариштали маскан — фариштали маскан" деган пурмаю иборалари аждодлардан авлодларга ўтиб келадиган бежиз эмас. Ўзбекистонимизнинг янада файзли, баракали, фариштали бўлишига ундаши шубҳасиз.

Мамлакатимизга дунёнинг турли бурчақларидан меҳмонлар келади. Улар тарихий обидалар, янги қурилган иншоотлар, она заминимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилади, суратларга мўҳрлайди. Мабодо улар билан суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз, биринчи галда ўзбек халқининг меҳмондорчилиғию кўнгли очикилигидан, кўча-кўйларимизнинг тоза ва озодалигидан тўқинланиб сўзлайди.

Баъзан айрим истироҳат боғлари, хибонлар, жамоат жойларининг кўркини бузиб турган чикиндиларга кўзингиз тушади. Ўзидан бир икки қадам наридаги ахлат челагига қўлидаги кераксиз буюмини ташлашга эриниб, дуч келган томонга улоқтираётганлар, афсуски, йўқ эмас. Бу ҳолат, айниқса, ёш йигит-қизларда кўпроқ кузатилади. Ҳолбуки, улар ҳозиргина шу жойни онаси ёки отаси тенги аёл тозалаб кетганини яхши билишсади.

Японияда шундай одат бор экан: мактабларда биронта фаррош ишга қабул қилинмаскан. Уларнинг ўрнига ўқувчиларнинг ўзлари ҳар бир синфхонани, йўлакларни, хатто хожатхоналарни навбатма-навбат йиғиштирар экан. Бу билан болаларга эрта ёшдан бошлаб жамоа бўлиб ишлаш ва бир-бирига ёрдам кўрсатиш ўргатилади. Бундан ташқари, йиғиштиришга кўп вақт ва куч сарфлаган ўқувчилар бундан кейин бинонинг ифлосланишига имкон қадар йўл қўймасликка уринади.

Бир сафар мендан устозимиз "Гўзаллик деганда нимани тушунасан?", деб сўраган ва мен бу саволга унчалик ҳам қўйиллатиб жавоб беролмаган, балки, қайсидир соҳибжамол қизнинг исмини ёки кўнгли гўзаллигини айтиб жавоб қайтарган бўлсам керак. Ҳозир яна шу савол қўлоқларим остида жаранглаб, муаллимимизнинг мушфиқ кийфасию қулганди яна ҳам гўзаллашиб кетадиган чехриси гавдаланиб турибди. Гўзаллигининг турли қўп. Ҳар кимнинг ўз ҳақиқати бўлгандай, ўзи учун гўзаллик деб билган тушунчалари ҳам бор. Ён-атрофни тозалаб, юртимиз жамолини янада кўркамлаштирадиган, одамлар кўнглини нурафшон этиб, уларга кўтаринки кайфият улашадиган озодалик фаришталарининг ишлари ҳам инкор этиб бўлмас гўзалликдир.

Билмадим, атроф озодалиги кайфиятимга таъсир қилганидими, бутун борлиқ кўзимга жуда чиройли кўринар эди. Ана, аммам суратини кўрсатган қиз ҳам аста-секин мен томон кела бошлади. Ёнидан ўтиб кетаятган болакай ерга улоқтирган музқаймоқ ўрамини олиб, чикинди қутисига ташлаганидан билдимки, у озодаликка риоя қилганидан қиз. Шу тобада у кўзимга жуда ҳам чиройли кўриниб кетди. Унинг момомга ёқишига ҳам ишончим қомил.

Жўрабек ЖАҲОН

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ АБДУЛЛА ОРИПОВ

Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудоликка учради.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, атоқли жамоат арбоби Абдулла Орипов 75 ёшида вафот этди.

Абдулла Орипов 1941 йили Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги Неқўз қишлоғида туғилди. 1963 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетини тамомлади.

У ўз меҳнат фаолиятини "Шарқ юлдузи" журналида адабий ҳодим сифатида бошлади. Кейинчалик мамлакатимизнинг турли нашриётларида муҳаррир, "Гулхан" журнали бош муҳаррири, Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги директори вазифаларида меҳнат қилди. Кўп йиллар мобайнида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида фаолият кўрсатиб, адабий маслаҳатчиликдан ушбу нуфузли ижодий ташкилотнинг раиси лавозимига бўлган масъулиятли йўлни босиб ўтди.

Улкан сўз санъаткори, нодир истеъдод эгаси Абдулла Ориповнинг бетакрор ижоди теран миллий руҳи ва ҳаётийлиги билан ўзбек адабиёти хазинасидан муносиб ва мустаҳкам ўрин олди. У ўзининг сермазмун, бадиий юксак шеър ва дostonлари, драматик ва публицистик асарларида она юртимиз ва халқимизга, азалий қадриятларимизга меҳр ва садоқат туйғусини бекиёс маҳорат билан тараннум этди.

Абдулла Орипов мустақил Ватанимиз — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг муаллифи сифатида эл-юртимиз қалбидан чуқур жой эгаллади.

Халқимизнинг ардоқли фарзанди бўлган атоқли шоир ярим асрлик серкирра ижодий фаолияти давомида "Митти юлдуз", "Кўзларим йўлингизда", "Онажон", "Рухим", "Юртим шамоли", "Ҳайрат", "Йиллар армони", "Ҳикмат садолари", "Эзгулик", "Шоир юраги", "Мен нечун севаман Ўзбекистонни", "Истиқлол манзаралари", "Ранглар ва оҳанглар", "Менга хуш хабар айт", "Эверест ва уммон" каби шеър-китеблари, "Ҳаким ва ажал", "Жаннатга йўл", "Соҳибқирон" сингари чуқур фалсафий руҳдаги драматик асарлари, жаҳон адабиётининг Данте, Александр Пушкин, Тарас Шевченко, Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев каби мумтоз намоёндалари меросидан қилган бадиий етук таржималари билан улкан ижодий

Ш.МИРЗИЁЕВ, Н.ЙЎЛДОВ, Н.ИСМОИЛОВ, Х.СУЛТОНОВ, З.РЎЗИЕВ, А.ҚАЮМОВ, С.ГАНИЕВА, М.АХМЕДОВ, С.САИДОВ



мактаб яратди. Унинг турли жанрдаги ўнлаб асарлари дунёнинг кўпга тилларига таржима қилинди.

Айниқса, истиқлол йилларида Ватанимиз озодлигини, халқимизнинг эркин ва обод ҳаётини, миллий гурур, инсон шаъни ва қадр-қимматини улуғловчи шеър ва дostonлари, замондошларимизнинг олиханоб фазилатлари ва фидокорона меҳнати ҳақидаги публицистик чиқишлари билан жамоатчилик эътиборини қозонди.

Абдулла Орипов узоқ йиллар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбари сифатида республикамиздаги адабий муҳит ва ижодий жараёнини жонлантириш, шоир ва ёзувчилар фаоллигини ошириш, уларни янги ижодий марраларга йўналтириш, ёш ижодкорларни тарбиялаш ва профессионал маҳоратини юксалтириш ишларига муҳим ҳисса қўшди. Айни пайтда, кўзга кўринган жамоат арбоби сифатида мамлакатимизнинг маданий ҳаётида фаол иштирок этиб, халқимиз ўртасида миллий ғоямиз тамойилларини кенг тарғиб этиш, жамятимизнинг маънавий асосларини янада мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик кўрсатди.

Абдулла Орипов кўп йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати ва Сенати аъзоси сифатида ҳам самарали фаолият олиб борди.

Улуғ шоир ва адиб Абдулла Ориповнинг ўзбек адабиёти ва санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон халқ шоири", "Ўзбекистон Қаҳрамони" фахрий унвонлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти ва "Дўстлик" ордени билан мукофотланган эди.

Атоқли шоир, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Абдулла Ориповнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

АСРЛАРГА ТЕНГ ЛАҲЗАЛАР

Чорак аср... Балки кўнча тарих учун бу жуда кичик бир фурсатдир. Лекин халқимиз чорак асрлик мустақил тараққиёт давомида бир неча юзйилликка татийдиган улкан ютуқлар эришди. Барча муваффақиятларнинг омили бу — аввало, юрт тинчлигидир. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида ҳозирги мураккаб ва таҳликали замон талаблари, жамятимизни янгиллаш, мамлакатимизни модернизация қилиш билан боғлиқ мақсадларимизга уйғун ва ҳамоханг равишда ҳаётнинг ўзи олдимизга янги-янги вазифаларни қўйгани ҳақида ёзар экан, қўйидаги фикрни алоҳида таъкидлаган эди: «Табиийки, миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади».

Дарҳақиқат, бу уч тушунча халқимиз учун беҳад қадри. Юрт тинчлиги — кексала-

римиз Яратгандан ҳар кунни сўрайдиган улуг неъмат. «Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади!» Бу ҳикмат қон-қонимизга сингиб кетган. Бугун бу нақли ўзимиз фарзандларимизга невараларимизга айтаемиз. Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида кечаётган нотинчликлардан сўз очиб, юртимиздаги тинчлик-оёйсизлиқ учун шукр қилаемиз.

— Тинчликка нима этсин, — дейди биз билан суҳбатда табаррук тўксон икки ёшни қоралаган қашқадарёлик Тошмат ота Шукуров. — Урушнинг оти ўчсин. Фашизм ҳар қандай бўлиб ўтган қирғинбаротда не-не забардаст йигитлар нобуд бўлмади дейсиз. Йигитлар тугул мунгликан чолу кампирлар, норасида гўдакларни ҳам қон қақшатди бу уруш дегани. Урушдан қайтганда ёлғиз эдим. Ҳозир, Худода шукр, фарзандлар, неваря-чеваралар билан юз нафардан ошиб кетдик. Кўп қийинчиликларни, меҳнату заҳматларни кўрдим, аммо бугунгидек шукрона айтишга

арзийдиган фаровон ва обод замонни кўрмадим. Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида нотинчлик, уруш-талаш. Ўзбекистонимиздан айланай, осмонимиз тинч, ҳаётимиз тўқис. Қанчалик шукр айтсак ҳам кам.

Мамлакатимизнинг дунё миёсидидаги нуфузи, шавкати тобора ошиб бораётгани сабаби ҳам шунда. Боболаримиз сўзи билан айтганда, тинчлик бор жойда хайр-барака зиёда бўлаверади.

Миллий ғоямизнинг иккинчи асоси — Ватан равнақи. Шубҳасиз, бу омил — юрт тинчлигининг самараси. Тинчлик бор жойдагина мамлакат тараққиётга юз буради. Шу боис бугун Ўзбекистонимиз ҳавас қиларли даражада ривожланган, ҳатто саноят маҳсулотларини экспорт қиладиган қудратли давлатга айланди. Дунёнинг жуда кўп мамлакатлари молиявий-иқтисодий инқироз оқибатида мураккаб вазиятларни бошдан кечираётган бир вақтда ўтган 2015 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноят маҳсулотлари

ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоизга ошгани амалга оширилаётган ислохотлар нечоғли юксак натижа бераётганининг далилидир. Бугина эмас. Ўзбекистонимиз 2014-2015-йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017-йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олганини эшитган ҳар бир ватандошимизнинг қалби ифтихорга тўлади.

Учинчи омил — халқ фаровонлиги борасида ҳам катта натижаларга эришдик. Мустақиллик йилларида аҳолининг турмуш даражаси чин маънода юксалди. Пахта яккахокимлигига барҳам берилди. Боғ-роғлар барпо этишга катта эътибор қаратилди. Дон маҳсулотлари етиштириш борасида юксак самараларга эришилди. 2015 йил якунларига бағийланган йилгида Биринчи Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек: «Ўзбек модели» деб ном олган ўзига хос иқтисодий дастурлар ва бошқа ислохотлар натижасида мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон аҳолисининг реал даромади 9 баробардан ошди ва ҳозирги мураккаб, дунёнинг кўпги-

на мамлакатларида иқтисодий қийинчиликлар юз бераётган вақтда Ўзбекистон иқтисодий кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгармоқда».

Биргина қурилиш соҳасини олайлик. Аҳоли учун барпо этилаётган барча шароитларга эга намунали уйлар, қурилаётган йўللар, кўприклар одамларнинг турмуш даражаси чин маънода ўсишига хизмат қилмоқда. Одамларнинг фақат турмуши эмас, кўнгли ҳам обод бўлаётди. Дўстларим билан дийдорлашиб мақсадида Андижон, Қашқадарё вилоятларига йўлим тушди. Одамларнинг бахтиёрлик туйғусидан чарақлаган нигоҳини, юзларию кўзларидаги севинч ифодасини кўриб, бунга яна бир қарра гувоҳ бўлдим.

Улуғ шоиримиз Фафур Фулом бир шеърда «асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал» бўлмоғи мумкинлиги ҳақида ёзган эди. Она Ватанимизнинг чорак асрлик мустақил тараққиёт йўли бу фикрнинг айна ҳақиқат эканини кўрсатмоқда. Бу эса, шундай муқаддас Ватанимиз фарзанди бўлишидан ифтихор ҳисси ҳар бир юрдошимиз қалбидан чуқур жой олишига хизмат қилмоқда.

Абдуғани СУЛАЙМОН

ЧОРШАМЪ

ҲЕМОД ЭЛИМ



ҲАЁТ

Шод яшадим, ношод яшадим,
Аммо доим овоз яшадим.

Муҳаббатдан, севгидан сармаст,
Мисли Мажнун, Фарҳод яшадим.

Висол насиб айлади гоҳи,
Дилга боғлаб қанот яшадим.

Гоҳи ҳижрон доғида қуйиб,
Юрак тўла фарёд яшадим.

Эл ичидан топдим сўзимни,
Элни билиб устод яшадим.

Яшмоқдан чарчамадим ҳеч,
Бор эди-да мурод — яшадим.

Битта инсон умрича умрим,
Шу экан бу ҳаёт яшадим.

Ҳаммасига гувоҳдир қалам,
Чоршамъ, бор деб ижод яшадим.

ЯХШИЛАР

Яхшиларга яхшилаб назар солинг, яхшилар,
Яхшиларнинг яхшилаб кўнглини олинг, яхшилар.

Ёмонлар бир-бирларин зулматда ҳам топишар,
Сиз яхшилар билан бир сафда бўлинг, яхшилар.

Мен умримни яхшилик маконига тикканман,
Бу маконга келишни яхши билинг, яхшилар.

Бу беш кунлик дунёнинг оқибати яхшилик,
Оқибатни ҳаммага яхши қилинг, яхшилар.

Аваллими ё кейинми, кетганда ҳам оламдан,
Чоршамъ билан ҳаминча яхши қолинг, яхшилар.

СЕНДАГИ ИШҚ

Хаёлимдай хомушдур осмон,
Деразмдан термуламан жим.
Бу дунёда бормисан омон,
Менинг хомушнинг оқибатини?

Ёришди ҳали кенг олам,
Мен ҳам унга чиқман пешвоз.
Фақат унга етишмас ҳар дам
Сендаги ишқ, сендаги овоз.

БАХТ

Туни билан юрагим нотинч,
Бир ташвишни сезаётим у.
Топилмайдиган бирор-бир юпанч,
Кўзимга ҳам келмайдиган уйқу.

Чикиб кеттим келар сен томон,
Гарчи йўллар жуذا ҳам узун.
Шунда... сенга бормоқ хаёли
Мени бахтли айлайди бир зум.

Ч.РЎЗИЕВ 1955 йили туғилган. 1980 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тугатган. «Маҳактош», «Севгини соғиндим», «Афанди алдамиди» сингари шеърли тўпламлари чоп этилган.

Гулчехра ЖЎРАЕВА

ВАТАН ШУ ЕРДАН БОШЛАНАДИ

Бугун ҳайратларимизнинг чеки йўқ. Орзу-армонлар рўёбга чиқаётган мустақил ва обод дийдорда яшашнинг ўзи бекиёс ҳайрат. Ақл бовар қилмайдиган ўсиш, ўзгаришлар, маънавият ва маърифатдаги улғайишлар — чинакам ҳайратга муносиб.

Куни кеча телевизор экранидан бир жажжи спортчи қизча: "Мен жаҳон чемпиони бўлишга, юртимиз байроғини баланд кўтаришга ҳаракат қиламан", деди. Унинг Ватанга самимий муҳаббатидан ҳайратга тушиб, «Ватан ана шу тилақдан бошланса керак», деган ўй кечди кўнглимдан.

Икки ёшни қоралаб қолган Азизбек исмли неварам кўлига тушиб қолган менинг фуқаролик паспортимни очиб, гербга тикилган бир зум жим бўлиб қолди, сўнг эҳтирос билан баланд овозда хижжалаб: "Ўз-бек-кис-тон", дея ҳайқирди. Биз оила аъзолари ҳайратдан хангу манг бўлиб қолдик. Эндигина гапирганимизни ўрганаётган гўдак тилидан бу муқаддас сўзни эшитиб юрагимиз тўлқинланиб кетди. Бизни хурсанд қилади деб у "Ўзбекистон" сўзини ҳар кун такрор-такрор айтганидан бўлди. Бекиётёр дилимдан "Ватан ана шу гўдакнинг ширин тилидан бошланса керак", деган фикр ўтди. Аминманки, бундай беғубор болалар улғайгач, юртимиз янада гуллаб, равнақ топади.

Мен 80 ёшни қоралаб қолдим. Бугунги бахтиёр болаларни кўриб, кўпинча ўзимнинг болалик давримни эслаб кетаман. Болалигим Бухорода ўтган, уруш ва ундан кейинги йилларга тўғри келган. Айниқса, мактаб ҳаёти кечадек ёдимда. Ўқув дарсликлари, қуроллари, дафтарларнинг етишмаслиги, кийим-кечакнинг камёблиги, бир бурда нонга зорлик... Онам оддий матодан "папка" тикиб берганларида роса хурсанд бўлганман. Мактаб биноси уйимизга узок эди, пиёда катнардик. Фақат марказий кўчалардан фойтон ўтарди. Отлар туёғидан учкунлар сачраши биз учун қизиқ туюлиб, фойтон ортидан чарчаганча югурардик. Лекин ҳар қанча қийинчилик бўлмасин, мактабдан бирор кун ё соат қолмасдик.

Мустақиллик йилларида чинакам бахт болалар манглайдан ўтди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов доним: "Ўзбекистоннинг

барча болалари — менинг болаларим, менинг фарзандларим", дея уларни эркарларди. Фарзандларимизнинг баркамол улғайиши учун барча шароитлар яратилди. Янги мактаб, коллеж, лицей, спорт майдонлари, мусика ва санъат мактаблари, янги ўқув юртлири бунёд этилди. Айниқса, саломатлик борасида она ва болаларга давлатимиз томонидан қилинаётган эътибор келажақ авлоднинг соғлом, кучли, доно бўлиб ўсиб-улғайишига катта замин яратди. Тобора гўзаллашиб, мустақамланиб, фаровонлашиб бораётган Ватанимизни кўриб, ҳаёлимда "Ким эдигу ким бўлди" деган фикр айланиб, яна ўтмиш хотираларига уланади.

Мустабид шўролар даврида боғча, касалхона, шифохона, мактаблар камчил эди. Болаларни боғчага жойлаштириш ниҳоятда қийин, йиллаб навбатда туриларди. Навбат етиб келгунча болалар мактаб ёшига ҳам тўларди. Бунинг устига ҳар бир гуруҳда 30-35 нафар бола бўлиб, битта тарбиячи уларни эплэй олмасди. Кичкинтойлар тез-тез касаллангани сабабли боғчада карантин эълон қилинар ва 10-15 кунгача ёпиб қўйиларди. Ота-оналар ишдан қолиб, ўз фарзандларини уйда олиб қолишга мажбур бўларди. Бир гал 2 ёшли фарзандим билан касалхонага тушиб қолдим. Болалар учун ажратилган битта кичкина кроватчага она-бола сиқилишиб, тунни бир азобда ўтказдик... Аҳвол ана шундай ночор ва янчили эди.

Шўрлар бўлсинки, бугун бундай муаммолар йўқ. Эндиликда болалар муассасаларига кирсангиз ҳавасингиз келади. Янги, замонавий мебеллар билан жиҳозланган боғчалар, мактабларнинг ён-атрофлари кўм-кўк арчалар билан ўралган. Чамандай муаттар гулзорлар ифорида рохатланган болалар тоза ҳавода шодон ўйнаб юришибди. Кўча-кўйлардаги муסיқий фавворалар атрофида хамиша кичкинтойлар билан гавжум. Бахтиёр болалик деб шуни атайдилар. Ватан ҳам шу ердан бошланади.

Муқтарам Биринчи Президентимиз ёш авлодга овоз ва обод юртни мерос қолдирди. Уни асраш, авайлаш, ривожлантириш, турли хуружлардан ҳимоя қилиш бугунги ёшлар қўлида.

Қуйидаги шеъримни неварам Азизбекнинг сўзларидан илҳомланиб ёздим.



ЎЗБЕК ИСТОҚ

Қадим юртим, кўҳна юртим,
Неча баланд-пастдан ўтдинг.
Ёш бўлсанг-да полвон қучинг,
Халқинг фило сенинг учун,
Навқироним, Ўзбекистон.

Пешонамга бахт истиқлол
Ёзиб қўйди мангу иқбол.
Расо торғли қаддинг бутун,
Обру тоғли қаддинг бутун,
Хур давроним, Ўзбекистон.

Шаҳар, қишлоқ обод, кўркам,
Таниб бўлмас бутун ўлкам,
Ҳаётидан мамнун инсон,
Ноз-неъматга бой дастурхон,
Фаровоним, Ўзбекистон.

Юртимизда бахтли аёл,
Эъзозлардан гўзал жамол,
Соғлом авлод топар камол,
Қалб мунис — сен болажон,
Меҳрибоним, Ўзбекистон.

Йилгирма беш энди ёшинг,
Кўп байрамни кўрар бошинг,
Ҳеч ўчмағай ҳур қўшининг,
Омон бўлсин она халқим,
Қаҳрамоним, Ўзбекистон.

— Китоб, адабиёт ва санъатнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни бекиёслиги ҳеч кимга сир эмас. Бироқ бугунгидек шиддаткор замонда мутлоаа, китобхонлик борасида мактабларимиз тўғрими? Шундай шароитда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси муассислигида чоп этилаётган адабий-бадий нашрларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?

— Дарҳақиқат, бугун халқимиз, айниқса, ёшларимиз турли-туман ахборотларга бой давр ва маконда яшамокдалар. Бу жараёнинг қизғинлиги ахборот коммуникация бутун дунёда тезкор ривожланиб бораётгани билан боғлиқ, албатта. Лекин замон зиёлиларимиз олдида аниқ вазифаларни ҳам қўймоқда. Яъни улар аҳолига тинимсиз янгилиниб бораётган улкан ахборот оқимидан керакли маълумотларни олиш, миллий манфаатларимиз нуктаи назаридан уларни таҳлил қила билиш қўникмаларини шакллантиришга ёрдам беришлари керак. Қолаверса, расмий ахборот билан бадий асар ўртасидаги фарқли жиҳатларни ҳам ўқувчилар яхши англаши лозим. Расмий ахборотлар одамларни янгиликлардан бохабар қилиб, огоҳлик даражасини оширса, бадий адабиёт инсон қалбига эстетик завқ бағишлаб, онгу тафаккури юксалишига, дунёқараш кенгайишига хизмат қилади.

Ҳозир инсон онги ва тафаккури учун кураш авж олиб бораётган бир пайтда интернет сайтлари, шунингдек, даврий нашрлар фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода "Шарқ юлдузи" ва "Звезда Востока" журналлари китобсеварларнинг "Нимани ўқиш керак?" деган саволига жавоб бўлади, деб ўйлайман. Чунки журналларимиз тахририяти ходимлари жамоатчилик кенгашиларининг нуфузли аъзолари тавсияси билан мумтоз ва замонавий адиб ҳамда шоирларимизнинг энг сара асарларини эълон қилишмоқда. Бугунги кунда жаҳон адабиётидаги илғор аънаёлар бадий дидини ўстириш ва шу йўл билан миллий маданиятга таҳдид сола-

ётган "оммавий маданият"га қарши курашишга интилоқда.

Мамнуният билан қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси давлатимиз раҳбариятининг ижод ахли олдида қўйган вазифаларидан келиб чиқиб, журналларнинг аввалги шухратини тиклаш; уларнинг тиражи ва даврийлигини ошириш, хусусан, шу йилдан бошлаб "Шарқ юлдузи" журналининг бир йилда 12 та (яъни

ётган "оммавий маданият"га қарши курашишга интилоқда.

Мамнуният билан қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси давлатимиз раҳбариятининг ижод ахли олдида қўйган вазифаларидан келиб чиқиб, журналларнинг аввалги шухратини тиклаш; уларнинг тиражи ва даврийлигини ошириш, хусусан, шу йилдан бошлаб "Шарқ юлдузи" журналининг бир йилда 12 та (яъни

ётган "оммавий маданият"га қарши курашишга интилоқда.

Мамнуният билан қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси давлатимиз раҳбариятининг ижод ахли олдида қўйган вазифаларидан келиб чиқиб, журналларнинг аввалги шухратини тиклаш; уларнинг тиражи ва даврийлигини ошириш, хусусан, шу йилдан бошлаб "Шарқ юлдузи" журналининг бир йилда 12 та (яъни

ётган "оммавий маданият"га қарши курашишга интилоқда.

хикояларига кўпроқ эътибор қаратяпмиз. Чунки бугунги кун ўқувчиси адабиётимизда қандай янгиликлар рўй бераётганини, кириб келаётган ёш истеъдод соҳибларини билишни истаيدди.

Айтиш керакки, вилоятларда яшаб ижод қилаётган кўпала хотин-қиз ижодкорларимиздан қутилмаганда аjoyиб асарларни қабул қилиб олдик. Сурхондарёлик Жамила Эргашева, андижонлик Матлуба Юсуф Охун,

ётгани ҳам мавзулар хилма-хиллигини қамраб олишга қаратилган. Бугунги дунё тинимсиз ўзгаришда. Сийсий-ижтимоий ҳаётимизда юз бераётган жараёнлар кейинги пайтда юз бераётган воқеалар шиддатини акс эттириб турибди. Шундан келиб чиқиб, публицистикага эътибор қучайди, натижада, бу жанр анча жонланди. Бу рўқнда мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида рўй бераётган ўзгаришлар,

шоир, олимлар билан суҳбатлар уюштирамиз. Булардан ташқари, муносабат, адабий мерос, санъатшунослик, таржимашунослик, жаҳон адабиёти таҳлили, адабий танқид каби рухналаримизда турли мавзуларни ёритиб борамиз. "Кўнгли мулки" рухнида эса замонавий шоир ва ёзувчиларнинг асарларини, умуман, ижодини чуқур таҳлил, талқин қилиш кўзда тутилган.

— Шеърят илҳомланди учун

ЯХШИ АНЪАНАЛАР БАРДАВОМ

"Шарқ юлдузи" ва "Звезда Востока" журналлари бош муҳаррири вазифасини бажарувчи, шоир Сирожиaddin РАУФ билан суҳбат

ҳар ойда), "Звезда Востока" журналининг эса бир йилда 6 та (яъни ҳар икки ойда) нашр этилишига кўмак бериб келмоқда. Бу фидойи, жонқуяр обуначиларимиз ва ўқувчиларимизнинг айна дилидаги иш бўлди.

— Журнал даврийлигининг ошиши муаллифлар ва ўқувчилар учун қандай имкониятлар яратди?

— Бу ишни амалга оширишнинг энг муҳим ижобий томони шу бўлдики, адабиётимизда яратилаётган бадий савиясига юксак асарларни мунтазам эълон қилиш борасида катта имкониятларга эга бўлди.

Эндиликда журналда бир йил давомида бир нечта роман, қиссаларни тўлалигича босмоқдамиз. Масалан, 2016 йилги мавсум Хуршид Дўстмуҳаммадининг "Донишманд Сизиф" романи билан очилди. Бу асар ўзбек замонавий романчилигида катта воқеа бўлди, деб айтиш мумкин. Шу пайтга қадар Жўра Фозилнинг "Бойқўнғир лолалари", Бахтиёр Абдуғафурнинг "Кибр минораси", Абдуҷалол Раҳимовнинг "Жийда гули" қиссаларини, Нодир Норматовнинг "Зулайхо дарахти" романини, Асад Дилмуроднинг "Заррадаги олам" романини эълон қилдик.

Қолаверса, ўзбек ҳикоячилигида яратилаётган янги асарларни ҳам муфассал ёритишга эришяпмиз, десам муболаға бўлмайди. Айниқса, вилоятларда яшаб ижод қилаётган ёзувчиларимизнинг асарлари, шу қаторда адабиёт майдонига кириб келаётган ёш носирларнинг

фарғоналик Гулчехра Асрнова, хўжандлик Хуснинисо Аҳмедованинг хикоялари шулар жумласидандир.

— Журналнинг қатор сонларини варақлаганда кўрдики, улар "Публицистика" руқни билан очилляпти...

— Шундай. Бундан буён энди ҳар бир сонда публицистик мақолалар босилади. Бусиз мумкин эмас. Чунки бугунги кун нафасини янада яқинроқ туйишда мамлакатимизда рўй бераётган ислохотлар, жумладан, маданий

ҳаёт ва маънавиятимизнинг долзарб масалаларига бағишланган чиқишларнинг аҳамияти катта. Ахир, ижодкор, аввало, ўз мамлакатининг фуқароси, фуқаро бўлганда ҳам фаол кишиси сифатида ижтимоий позициясини билдириши зарур.

Шу пайтга қадар Зиёвуддин Мансур, Қўтлибека Раҳимбекова, Абдумажид Азим, Ҳамид Бурҳон каби таниқли ижодкорлар, публицистларнинг ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалаларига бағишланган мақолаларини чоп этдикки, уларнинг чиқишлари ўқувчиларни бефарқ қолдирмаганига ишонамиз.

— Журналда "Муносабат", "Мутлоаа", "Кўнгли мулки" каби янги руқнлар очилди. Бундай мавзулар ранг-барангликга интилишининг сабаби нимада?

— Бундай ранг-баранглик, аввало, давр талаби, қолаверса, журналхонларимиз истак-хоҳишларига жавоб ҳамдир. Руқнларимизнинг кўпайиб бора-



рий жавоблари топилмаган муаммолар, адабиёт тарихида очилмаган масалалар, бугунги адабиётимизда пайдо бўлаётган янгиликларни атрофлича ёритишга ҳаракат қиламиз.

Навобий ижодини ўрганиш ҳамма даврларда ҳам долзарблгини йўқотмайди. Навобий уммонидан ҳар бир авлод ўзи учун дуру гавҳарлар топади. Ана шу маънода улғу бобоқалонимиз ижодига доир янгича қарашлар

ифодаси ўлароқ бир қанча мақолалар нашр этиш мақсадимиз бор. "Мулоқот" руқнида эса машҳур ёзувчи,

журнал саҳифаларида қандай янгиликлар, ижобий ўзгаришлар амалга оширилди?

— "Шарқ юлдузи"нинг энг етакчи руқнларидан бири "Назм" руқни. Қолаверса, "Бу бўстон саҳнида", "Унутмас мени боғим", "Булоқ кўз очди" каби руқнлар ҳам борки, улар журналнинг ҳар бир сонидан мунтазамлик касб этиб келяпти.

Масалан, ҳар сафар "Булоқ кўз очди"да янги бир ном кашф этилади, журнал адабиётга кириб келаётган ёш истеъдод эгасига "оқ йўл" тилайди. Бу анча йиллардан бери давом этиб келаётган яхши бир аънаодир. "Унутмас мени боғим" руқни эса шеърятимизда ўзига хос из қолдирган шоирларни ёдга олиш мақсадини кўзда тутди. Шу пайтга қадар Муқаррама Муродова, Тўлқин, Рауф Парфи каби ижодкорларни ёд этдик.

Агар кейинги бир нечта сонларимизга разам солсангиз, журнал дизайнида ҳам ўзгаришларни кўрасиз. Масалан, муқовамиздаги безаклар лўндалик касб этди, муқованинг иккинчи ва учинчи бетларида "Унутилмас лаҳзалар" сарлавҳаси остида адабиётимизнинг барҳаёт сиймолари, замондош адиб ва шоирлар суратларини боса бошладик. Бу адабиётимиз даргаларига эҳтиром билдириш баробарида, ўқувчилар учун маърифий аҳамият ҳам касб этди.

Таъкидлаш керакки, ҳозир шеърятимизда ижтимоий талқин руҳи анча кучайган. Ўтган сонларимиздан бирида Ўзбекистон халқ шоирлари Маҳмуд То-

ирнинг "Армон туни", Энаҳон Сиддиқованинг "Ўзбек иши", шоира Шарифа Салимованинг "Тўмарис" дostonларини босдик. Бу асарлар ижтимоийлик руҳи кучли эканлиги билан ажралиб туради.

— Янги обуна мавсуми бошланди. Айни пайтда, келгуси йил режалари ҳам тузилмоқда. "Шарқ юлдузи" журналининг 2017 йилги режаси қандай?

— Агар бир сўз билан айтадиган бўлсак, яратилаётган яхши асарларни кўп ва хўп босиш, журнал дизайнига бир қатор янгиликлар киритиш, ўқувчиларга "Шарқ юлдузи"нинг аввалги, қадрдон бўлиб қолган қиёфасини қайтариш... Бу борада бир талай режалар бор. Албатта, тахририятимизга келган, янги йилда ўқувчилар кўлига тегишини кутаётган яхши асарларимиз, бадий тўхфаларимиз бор, теша тегмаган ранг-баранг мавзулар навбат қутиб турибди. Бугунги кунда таниқли адибларимиз Муҳаммад Али, Эркин Аъзам, Асад Дилмурод, ёзувчилар Нормурод Норқобилов, Озод Мўминов, Исажон Султон, Зулфия Қуролбой қизи, Тўлқин Ҳайит асарлари келгуси йилда чоп этиш учун тайёрлаб қўйилган. Шунингдек, кекса адибларимиздан Мухтор Худойкулов тахририятимизга "ярим ҳазил, ярим чин" қабилда ёзилган, аслида инсон қисматининг аччиқ қўнарлардан ҳикоя қилувчи қисса топширган, Усмон Қўқор ўзининг аjoyиб таржималарини олиб келган. Таниқли олимларимиз Иброҳим Гафуров, Йўлдош Солижонов, Зухриддин Исомиддиновнинг мақолалари ҳамда ёш адабиётшуносларнинг тадқиқотлари эълон қилиниши кутилмоқда. Азим Суюн, Усмон Азим, Қўтлибека, Эшқобил Шўкур, Абдували Қўтбиддин, Рустам Мусурмон, Ҳалима Аҳмедова, Ҳумюн, Фарида Афрўза, Зебо Мирзо, Зулфия Мўминова каби забардаст шоирларимиз билан бирга ижод оламига кириб келаётган ёшларнинг шеърли дасдалари ҳам журналхонлар ҳукмига ҳавола этилади. Айниқса, вилоятларда яшаб ижод қилаётган ёзувчи ва шоирларимиз, адабиётшунос ва публицистларимизнинг асарлари босилишига алоҳида эътибор қаратамиз.

Таъкидлаш керакки, "Шарқ юлдузи"нинг сеvimли ва мазмундор бўлиши, авваламбор, сеvimли ўқувчилар учундир.

Мунира РАМАЗОНОВА суҳбатлашди.



Шитир-шитир... Катта йўлнинг хув бошидан учиб келаётган ҳазонлар нимадир демоқчидай, югургилашиб дераза ойнасига бир-бир урилади. Бу нидо кўнглига яқин, аммо дилини бироз ўртайдди... Кўча оралаб дайдиб юрган телба шамол эса тиним билмайди. Дардини ёймоқчи бўлган заъфарон япроқларни ўз холига қўймасдан, улар билан гўё ўйнашмоқчи бўлиб, ҳали у томонга, ҳали бу томонга учиради. Яна уларни ҳавода бир муддат муаллақ ушлаб, сабрини синайди. Бир замонлар баланд дарахтларнинг яшил барглари озулар осмонига олиб чиқиб, энди заъфарон рангда

умидсиз ерга улоқтиради. Йўлнинг ўртасида чангга қориган, шўх шамолнинг изида қолган "сарик қанотчалар" унга "Бизни дераза қар-

МЕЗОН ОҲАНГЛАРИ

шисига олиб бор", деб ялинади. Уларнинг мунгли нидосида умрини яшаган, аммо ҳаётга тўймаган, гамгин нигоҳида тутамгина илнж яширинган бир инсоннинг зилдай изтироби бор. Ўша изтироби эвазига олтиндай товланиб, чиройини кўз-кўз қилаётган табиятнинг парвойи палак. У такрор айтадиган биргина му-

қаддас битик бор: "Бу менинг буюк Қонуним"... Ўйноқи ел сариқ япроқларнинг гашига тегиб, гув-гув қилганча, хиргойисини бошлайди: Келинг, бунда яшаш абадий, кетинг, яшаш абадий бунда... Ҳазонлар ана дераза ойнасига урилади: шитир-шитир... Шу оний лаҳзада кимдир қарз гапини айтди, чимдимгина кулгисини ҳаёт этди, соғинчдан яралган кўз ёшини тўқади, кўксига сиймаган алами ёрилади, очилиши керак бўлган сири очилади...

Рашкчи ел олдига кетди умид парчаларини олис-олисларга. Эгасига тортиқ этилмай қолган тўхфалар эса қолиб кетди йўлнинг ўртасида. Охириги йўловчининг ҳорғин қадамидан

улар миллион бўлакка бўлинади. Ўша ерда тугайди учми, изтироби нидо...

Дераза ойнасидан борлиққа интизор, сассиз тикилиб турган навиноҳол қизининг сўнгги умиди сўнади. Кўз олдини қоронғулик қоплайди. Энди шўх шамол ҳам тинади бир зумга, гўё қилмишдан пушаймондай, афсусда қолгандай...

...Ҳа, таниш қиз ҳали билмайди эртага дайди ел қучоғида яна бир олам умид томчиларини олиб келишини ва баҳор ёмғири дераза ойнасига шитир-шитир урилишини...

Зебо ҚЎТЛИЕВА

Атоқли адиб Шукур Холмирзаев истиқлол ва янги давр адабиёти учун хизмат қилишни улугъ шараф деб билди. Озодлик гоёларига ҳамоҳанг ўнлаб асарлар битди. Улар орасида “Табассум” ҳикояси алоҳида ажралиб туради. (Дарвоқе, “Маданият ва маърифат” телеканали ижодкорлари мазкур ҳикоя асосида филм суратга олишган.)

Ҳикоя Жалил аканинг саратон касали туфайли ётиб қолгани билан бошланади. Чол бу ҳақдаги хабарни невараси — ёлғиз ўғлининг ягона қизи Садафдан билиб олади. “Қисмат эканда, — деди. — Во дариг. Йўғ-е... ўқшиш бекор. Бирники ўтдан, бирники сувдан... Меники шундан экан. Ўзи бир ҳисобда ёшимниям яшаб бўлдим. Мен тенги қурдошларимдан кимлар қолди? Ҳа-а, Мўмин ... бор”.

Жалил отанинг ҳаёти жангу жадалларда ўтган. Ота касал холида шулар ҳақида ўйлайди. «Бир куни ҳовлида югур-югур кўп бўлди. Кимлардир келишди. Жалил ота кечаси ухломлагани, ўйланиб чиқгани учун кундузи уйку босиб ётган эди.

“Ҳа, биронтаси келгандир-да”, деб кўйди”.

Кечга томон “ўғли Шокир новча қоматини эгиб эшикдан” киради ва чолга невараси Садафга совчилар келганини айтади. Бир ҳафтадан сўнг яна ҳовлида югур-югур бўп қолади. “Бироқ бу гал ҳам меҳмонларни бу хонага киритишмади. Бу гал ҳам улар кетиб бўлишгач, Шокир келин билан кирди”. Ота-боланинг ушбу гурунги ҳикоя моҳиятига ишора қилади:

“— Шу, Мўмин ота билан қалайсиз?”

Чол ўғлига тикилиб қолди. Кейин, ижирғаниб, кўзини пастга олди.

— Нимага сўраяпсан?

— Энди... сизларнинг мундай нон-қатиқ бўлиб ўтирганларингни ҳеч кўрмадик-да.

— Ҳа, кўрмайсан ҳам.

Шокир совуқ тикилди.

— Нима учун?

Чол яна бирпас сукутга толиб қолди-да:

— Сўрама, — деди. Кейин юзи тиришиб кетди. — Сўрама... Онт ичганман”.

Чуқур драматизм билан сугорилган суҳбат ота-боланинг ички дунёсини, характери яққол акс эттиради.

Жалил ва Мўмин воқеаси жуда узоқларга бориб тақалади. Жалилбек Орзихўжа командирнинг топшириғига биноан жанда кийиб, қўлига таёқ олиб, етим қиссасида Ёлғизхана довонига — Қуюн кўрбошини тутишга боради. Кўрбошининг тўдасида шўроларнинг яна бир одами — Мўмин бор. Кўрбоши “баланд бўйли, сариқ чакмон кийган, барваста йигит. Лекин кўзлари хорғин, зерикхандек эди”. Мўмин “ўрта бўй, кўзлари кичкина ва чағир, сергак ва жонсарақ йигит эди”. Қуюн дарвеш қиёфасида келган йигитнинг қизиллар одами эканини, ундан олдин қаландар бўлиб келган Мўминнинг ҳам сотқинлигини ич-ичидан билади. Билади-ю лекин негадир уларнинг хатти-ҳаракатлари

рини хотиржам кузатади. Унинг ўйлаш ва кузатишдан бошқа чораси йўқдек, гўё. Мағлубият кўриниб қолган, тўдадаги йигитлар деярли пароканда бўлган. Қуюн кўрбошининг салобати тунда суикасд қилишни режаллаган Мўминни тиз чўктиради. Қуёнорак, журъатсиз Мўмин бекиниб оёғига йиқилади. Бошини уриб, тавба қилади. Кейин “бурилла солиб, Жалилга ўқталди. — Чопиб ташлайман. Бу айғоқчи, бегим... Мени йўлдан

урди...”, дея дўстини сотади. Воқеалар кескин тус олади. Мўмин ва Жалилнинг бекини қўлга олиш режаси амалга ошмайди, аникроғи, улар бунга журъат қилолмайдилар. Эртаси эрталаб Қуюн уларга яна зиёфат бериб, сўнггида илтимос оҳангида:

“— Йигитлар, энди гал мундай, — деди. — Мени Денов бозорига олиб борасизлар.

— Бегим?

— Бек йўқ... — қулимсиради Қуюн кўрбоши. — Қаршингда бир саёқ беватан турипти”.

Суҳбатдан англашиладики, қаршисида бу икки йигит Қуюнга жуда ҳам майда, ожиз ва нотавон бўлиб кўринади. Улар бамисоли бекиннг домига тушган ўлжа: жони Қуюннинг қўлида. Алқисса, Кўрбоши ўз ихтиёри билан таслим бўлади ва тоғларга, чўққиларга, сўяқлар сочилиб ётган ерга сўнгги бор қараб, ўридан туради ва йигитларга қўлини боғлашни амр этади. Мўмин ва Жалил кимсан Қуюн кўрбошининг қўлини боғлашга ўзларида куч топа олмайдилар. Жалил кўрбошига қараб йиғламоқдан бери бўлади. Мўмин орта тисланади. Шунда Қуюн: “Ватан қўлдан кетганига олдинроқ ишонганимда, олдинроқ ўзим тушиб борар эдим. Шаҳид кетишга нима етсин”, дейди.

Қисқаси, Боботогдан энаверишда қўллари боғлиқ, аммо хотиржам кетиб бораётган Қуюнга “қўлида бир милтик, елкасида бир милтик” Мўмин буйруқ бера бошлайди ва сенсирашга ўтади. Қишлоққа яқинлашганда, Жалилга “Кўрдингми, босмачини ушлаш қандай бўлади”, деб гурурланади. Жалил гарансиз: “Сиз ушлаганингиз йўқ”, дейди. Орада мунозара бошланади. Тортишувга Бек нуқта қўяди ва Жалилга қараб: “Сен бола, қасам ич. Мўмин ака Қуюн кўрбошини қўлга туширди де”, деб тайинлайди. Чор-ночор қолган Жалил Кўрбошининг амрига бўйсуниб онт ичади. Шу тарика, тоғдаги гап-сўз унут бўлади...

Асарда Қуюн мардлик тимсоли ўлароқ гавдалантирилган. У ўлимни мардона қаршилайди, сўзининг устидан чиқади. Қуюн қасамни, сўзни муқаддас билади. Хиёнаткорлик унга ёт тушунча.

Асарда ўқувчини ҳаяжонга солади-ган, қалбини тўлқинлантириб юборадиган бир неча сахна ва кўринишлар бор. Ана шундай бир кўринишда Қуюн кўрбошини суд қилиш учун, ўз талабига кўра бозорга, яъни оломон олдига опчиқишади.

Ҳикояда кўрбошининг отилиш сахнаси Шекспир трагедияларини ёдга солади: Бек оломон билан рўбарў турибди. Лекин оломон бекини ёт унсур сифатида қабул қилади. Боиси, Қуюн курашган тансиқ неъмат халқ учун азиз, саркаш тўда учун эса бир пул. Кўрбошининг атрофини девор бўлиб

оломон ўраб турибди. Шу қисқа мусоҳаба орқали оломон психологияси ниҳоятда тиниқ очиб берилган. Оломон ўраб турибди. Шу қисқа мусоҳаба орқали оломон психологияси ниҳоятда тиниқ очиб берилган. Оломон ўраб турибди. Шу қисқа мусоҳаба орқали оломон психологияси ниҳоятда тиниқ очиб берилган.

Бир ҳикоя талқини

оломон ўраб турибди. Шу қисқа мусоҳаба орқали оломон психологияси ниҳоятда тиниқ очиб берилган. Оломон ўраб турибди. Шу қисқа мусоҳаба орқали оломон психологияси ниҳоятда тиниқ очиб берилган.

Қуюн кўрбоши ким? У халқининг озодлиги йўлида қўлига қурол тутди, лекин мағлуб бўлди. Уни ким мағлуб этди? Қуюнни истибдод малайлари, юртурушлар енгди. У мағлуб бўлганини тан олади, аммо юртни ташлаб қочиб кетмайди. У қасам ичган, бир сўзли мард: “Юрт озод бўлмаса, ука... биз енгилсак, ўзим пастга эниб бораман деб қасам ичиб эдим... Қайтар дунё дейдилар. Одам мард бўлиб ўлиши керак, ука...”.

Қуюн кўрбоши Ш.Холмирзаев яратган характерлар шодасидаги ёрқин бир ҳалқа. Хикоянинг “Табассум” деб номланиши бир қарашда ўқувчини қалғитиши рост. Асар мутолаасига киришган одам яқунгача “табассум” сирини тушунмайди. Чунки табассум уйғотадиган воқеанинг ўзи йўқ. Аникроғи, бутун умр алданиб, хокисор бўлиб ўтган Жалил ота нимадан масрур бўлиши мумкин? Уни шод қиладиган, табассум қилишига аризли сабаб йўқ. Яқунда маълум бўладики, бу табассум бошқача. “Табассум” — ватанпарвар инсон ва пароканда юрт фожиаси. Ҳикоядаги образлар — Мўмин хиёнаткор, Жалил адашган, аммо вайжонли пок инсон, Орзихўжа шўроларга сотилган, шўро ҳукуматининг содиқ аскари. Сўнггида у ҳам ҳўжалардан бўлгани учун ўз жўраси томонидан қамалади. Шокир — худбин, бировга суяниб яшашни истайдиган бебурд. Лекин буни тушунмайди, англай олмайдилар. У отасининг гурурини, орини орзу-ҳавасга алмашмоқчи. Шокир нима қилиб бўлса ҳам якка-ю ягона қизи Садафни

“...гапи ҳар ерда ўтади”ган Мўмин чолнинг неварасига узатиш, шу баҳона “орқали” бўлиш. Лекин чол бу тўйга қатъиян қарши. Ўғил-келини нима қилиб бўлса ҳам чолни кўздан пана қилиш йўлини ахтаради. Сабаби, Жалил ота қазо қилса тўй орқага сурилади! Жалил бобо гарчи гўр ёқасига келиб қолган бўлса-да, гурурини бой беришни сира-сира истамайди — сабр-тоқат билан мақсад сари интилади. У вазиятга қараб тов-ланиш, турланишни ҳеч вақт қабул қилолмайди. Аммо отанинг бу фазилатлари фарзандига ўтмаган. Жалил ота худди Қуюн кўрбоши каби ор учун жонини қурбон қиладиган инсон: “У Мўмин ака билан бир умрга ажралишган. Тўғри, жойи келганда у билан сўрашган бўлади. Бир даврда ўтиради ҳам. Бироқ, бегоналардек.

Бироқ унинг орқасидан... бир оғиз сўз демаган, демас ҳам”.

Жалил ота Мўмин чолнинг ҳақиқий қиёфасини ошкор қилмайди. Унинг мунофиқлигини эл-юртдан сир тутати: чолнинг сир тўла қосаси ҳовуздан катта. Қизиги, пушти қама-ридан бино бўлган ўғлига-да бу сирини айтмайди, ўзи билан бирга олиб кетади. Чунки чол чакана одам эмас, ич-ичидан билади: сир ошкор бўлиб, Мўмин чолнинг никоби йиртилганда ҳам Шокирга ўхшаган орсишлар ўзининг икки пуллик ҳақиқати билан яшайверади.

Ҳикоя ор-номус, уят, гурур ҳақида. Шукур Холмирзаевнинг ҳикоялари кўпмаъноли, серқатлам — полифоник асарлардир. Ҳикоядан келиб чиқадиган биринчи маъно босмачиликнинг тугатилиши, Қуюн кўрбоши каби юрт учун курашганларнинг тухмат билан жисмонан йўқ қилиниши ва пировардида шўролар истибдодининг ўрнатилиши. Иккинчи маъно шуки, асар ҳақиқат ва ҳақсизлик ўртасидаги кураш тасвирига бағишланган. Мўмин чол хиёнат туфайли қахрамонга айланди. Учинчи маъно, Худонинг сўйган қўли Жалил ака бошидан кўп савдолар ўтди. Хизматига яраша тақдирланмади, аксинча, кўп ўринларда “тирсакланди”. Лекин барибир ўз қатъий аҳдига содиқ қолди. Ҳикоядан, ҳаётини принципларида заррача чекинмади.

Ҳикоя хотимасида чол ўлади: “Ҳаммани даҳшатга солган нарсаси — унинг юзида қотиб қолган табассум бўлди”. Чолнинг бу табассуми умр, ҳаёт йўлининг сарҳисобидир. Бу табассум замирида унинг гуноҳу савоблари, ирода ва матонати, хуллас, имон-этиқоди мужассамдек, гўё. Яна ҳам тўғрироғи, майитнинг юзидаги табассум, аслида пасткаш, субутсиз ва номард одамларга ачинадир. Жалил ота, бир сўз билан айтганда, бу бевафо дунёнинг устидан қулиб кетади.

Олим ТОШБОВЕВ,
филология фанлари номзода

ташланади. Ушбу фазилат, айниқса, олимнинг истиқлол даври адабиётини ўрганишга бағишланган «Давр ва ижод масъулияти», «Рангин тасвирлар жилоси» номли китоблари ҳамда илмий, адабий-бадий нашрлардаги мақола-ларининг мундарижасини ташкил этади. Хусусан, «Давр ва ижод масъулияти» номли рисоласида истиқлол даври адабиётининг тараққиёт хусусиятларини таҳлил этар экан, муаллиф янги жамиятнинг маънавий иқлимини юксалтиришда ва миллатни ҳамда миллий қадриятларни улуғловчи гоёларни англашда тарбиянинг қудратли манбаи ва давр манзарасининг бадийий солномаси бўлиши бадий адабиётнинг масъуллигига алоҳида ургу беради.

Дамин Тўраевнинг «Ҳаёт манзаралари» номли эссе-хотира китоби, адабиётшунослигимизда қайд этилганидек, ўзбек мемуар адабиётининг бойитган асар сифатида эътиборлидир. Бу китобда таниқли адабиётшунос ва тажрибали педагогнинг қутилмаганда географ, тарихчи, этнограф, социолог ва истеъдодли ҳикоятчи сифатидаги янги қирралари очилганини кўрамиз. Ушбу китобида у инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, умрбоқий анъаналар, миллий қадриятлар, фарзандлар тарбияси, оила масъулияти ҳақида ҳикоя қилар экан, китобхон кўз ўнгига ҳаёт манзараларидан тўғри хулосалар чиқарувчи теран фикрли файласуф, кўрган-кечирганлари асосида ёшларга сабоқ бера олар қаторида адабий таълимни ҳам қўлланмалари. Муаллиф эсселаридаги XX аср ўзбек адабиёти илмининг даргалари Иззат Султон, Субутой Долимов, Фулом Қаримов, Матёқуб Қўшонов, Озод Шарафиддинов, Лаиз Қаримов ҳамда Зулфия, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов, Нормурод Нарзуллаев сингари устоз адиблар ижоди, одаимийлик фазилатларининг бадий талқинлари китобхонни бефарқ қолдирмайди. Профессор Дамин Тўраевнинг кўп йиллик самарали илмий-педагогик фаолияти «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» нишони, Олий ва ўрта таълим вазирлигининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган. Қўтулғ ёшини қаршилаётган қасбдош дўстимиз, профессор Дамин Тўраевнинг илмий-ижодий изланишларида ютуқлар ёр бўлишига тилақдошимиз.

Нўмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Минг бир ҳикмат

БАХТЛИ БЎЛИШ ШАРТ

Бахтли бўлишни истайсанми? Ундай бўлса, аввал машаққат чекишни ўрган.

И.С.ТУРГЕНЕВ

Яшаш мажбурий эмас, бироқ бахтли бўлиш шарт.

Ж.РЕНАР

Бахтсиз онларда энг яхши таянч ақл эмас, балки жасоратдир.

Л.ВОВЕНАРГ

Бахтиёр дамларингда меъёрни бил, қулфатда эса ишончингни йўқотма.

Бошқирд мақоли

Бахтда қаноатли, бахтсизликда оқил бўл.

ПЕРИАНДР

Ҳар қандай бахтсизликни сабр-тоқат билан енгил лозим.

ВЕРГИЛИЙ

Инсон фаришта ҳам эмас, ҳайвон ҳам. Унинг бахтсизлиги фариштага ўхшашга интилиб, кўпроқ ҳайвонга яқинлашиб қолганлигиди.

Б.ПАСКАЛ

Бахтга интилиш бўлмаган жойда ҳеч нарсаси интилиш бўлмайди. Бахтли бўлишга интилиш — интилишларнинг интилишидир.

Л.ФЕЙЕРБАХ

Олий бахт кўнгилга масъулият юклайди.

Ф.ДОСТОЕВСКИЙ

Куч ва билимда мендан ақлли ва саховатли кишиларнинггина мендан ўзиб кетишларини ҳар кун фалакдан сўраш мен учун энг улкан бахтдир.

Г.ЛИХТЕНБЕРГ

Бахт ҳар доим мардлар томониди бўлади.

Рус мақоли

Бахт қулги овози эшитилган уйга кириб келади.

Япон мақоли

Ҳар ким ўз бахтининг меъмори.

САЛЛЮСТИЙ

Бахтга муҳтож бўлмаган одам энг бахтли одамдир.

СЕНЕКА

Ҳаммадан кўра бахтлироқ инсон фақат ўзига тобе бўлган инсондир.

ЦИЦЕРОН

Ўтган ишга пушаймон қилмайдиган инсон бахтлидир.

Антик ҳикмат

Ўзи яхши кўрганини кўрқмасдан ўз ҳимоясига олишга қодир инсон бахтлидир.

ОВИДИЙ

Кексалик чоғида ҳам ўз ҳис-туйғуларини сақлаб қололган одам бахтлидир.

Д.И.ФОНВИЗИН

М. САЪДИЙ тайёрлади.


Журналларни варақлаганда

“ЁШЛИК” 2016 йил 9-сон

Журналнинг илк саҳифаларида босилган “Буюк матонат” сарлавҳали мақола халқимизнинг буюк фарзанди, матонатли йўлбошчиси Ислон Қаримовнинг порлоқ хотирасига бағишланган. Муаллиф Ўзбекистоннинг тарихий ва тақдорланмас яқин ўтмишига доир далиллар воситасида бу нури сиймонинг юртдошлар қалбига мангу яшайжagini таъкидлайди. Мақола сўнггида берилган шеър ҳам айна шу ҳақиқатнинг поэтик тасдиғидир.

“Ислохотларнинг мустаҳкам асоси” мақоласида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Расул Қушербоев янги қирдада ишлаб чиқилиб қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунда қамраб олинган ёшлар бўйича давлат сиёсатининг мақсад ва тамойиллари ҳақида фикр юритган. Ёш ижодкорлар М.Иброҳимов, Ё.Холбекова, Ж.Ҳаҳон ва А.Усмоновнинг диал сўзлари ҳам мазкур қонуннинг ёшлар қамолотидаги устувор ҳуқуқий асос эканлиги ҳақида.

Назм ихлосмандлари эътиборига таниқли шоир Абдулла Шернинг “Шому сахарларда юртимни кездим” деб номланган туркуми, навқирон ижодкорларимиздан Адиба Умирова ва Шоди Отамуроднинг шеърлари тақдим этилган. Шодмон Отабекнинг “Аравакаш”, Жамила Эргашеванинг “Учрашув” номли ҳикояларини ҳам журналнинг ушбу сониди ўқийсиз. “Замон руҳи, ҳаёт фалсафаси” мақоласида А.Сулаймон Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Алининг тарихий мавзудаги поэтик асарларини таҳлил этса, Беҳзод Фазлидиннинг “Вақт инсонсиз ҳеч нарсаси” сарлавҳали тадқиқоти устоз адиб Асқад Мухтор шеърларидаги неқбинлик, ҳаётсеварлик фазилатларини кўрсатишга бағишланган. Абдунаби Бойқўзиев, Тозагул Алланазаров мақолаларида она тилимиздаги дурдай сўзларни изоҳлари билан ўқийсиз, қадимий урф-одат ва қадриятларимизга меҳрингиз ошади. Шунингдек, “Кўлзма”, “Сабоқ”, “Тавсия” сингари руқнларда берилган материаллар ҳам муштарийлар эътиборига тушиши тайин.



ЎЗ СЎЗИ, ЎЗ ЎРНИ



Д.Тўраев Қарши давлат педагогика институтининг тарих-филология факултетида ўқиб тарих, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси мутахассислигини олди. Унинг бадийий машқлари — ҳикоялари талабалик йилларида матбуот юзини кўрди, аспирантурада таҳсил олиш даврида «Ҳозирги ўзбек қиссаларида сюжет проблемаси» мавзусида илмий изланишлар олиб борди, ўзбек адабиётшунослигининг даргалари — Ф.Қаримов, С.Долимов, О.Шарафиддинов, Л.Қаюмов, У.Норматов, Б.Имомов сабоқларидан баҳраманд бўлди. Ёш олимнинг мазкур тадқиқоти бадий адабиётнинг муҳим — «учинчи элемент» ҳисобланган сюжет муаммосини адабиётшунослигимизда биринчилардан бўлиб ўрганилган иш сифатида эътиборлидир.

Қарши давлат университетидида ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси, доценти, ўзбек филологияси факултети декани вазифаларида сидқидилдан меҳнат қилиб ёшларга фан сирларини ўргатиш билан бирга, «Ҳозирги ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси» мавзусида тадқиқот олиб борди ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Дарҳақиқат, яқин тарихимиз ва бугунги ҳаётимизнинг ихтиомий ҳамда мафкуравий эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ўзбек романининг ҳаёт ҳақиқатини бадий тафаккурнинг янги кўринишларида юзага чиқараётганини кўрсатиш, жанрдаги изланишлар, эпик қамровлилик ва эпик характерларни яратишдаги ранг-баранглик каби муаммоларнинг ўрганил-

гани тадқиқотнинг ўзига хослигини белгилайди.

Маълумки, адабий жараёнинг ўзига хос ривожланиш тамойилларини аниқлашда адабиётшунослик ва адабий танқиднинг ўрни бекиёсдир. Профессор Дамин Тўраевнинг «Ҳаёт ва сюжет», «Ўзбек адабиётида реализм масалалари», «Ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси», «Давр ва ижод масъулияти», «Рангин тасвирлар жилоси», «Мумтоз ижод сабоқлари» каби китобларининг мундарижасига назар ташласак, адабий танқид ва адабиётшуносликнинг юқорида қайд этганимиз — адабий жара-

Умр ибрати

ёндаги вазифасига олимнинг масъулият ёлдан ёндашганини ҳис этамиз. Бу китобларда XX аср ўзбек адабиётининг муҳим муаммолари, хусусан, ўзбек насрининг тараққиёт хусусиятлари Чўлпон, А.Қодирӣ, Ф.Фулом, А.Қаҳҳор, О.Ёқубов, С.Аҳмад, П.Қодиров, Мирмуҳсин, Ў.Усмонов, Т.Мурод каби таниқли ёзувчиларимиз асарлари таҳлил орқали ўрганилган. Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар барча фанлар қаторида адабий таълимни ҳам тубдан янгиланишга тақозо этарди. Бу даставвал умумтаълим мактаблари қатори олий ўқув юртлири филолог-бакалаврлари учун янги дарслик ва қўлланмаларга эҳтиёж борлиғида сезилар эди. Дамин Тўраев кўп йиллик тажрибалари асосида филолог талабалар учун лотин алифбосида «Янги ўзбек

Бугун Мирзачўл обод Гулистонга айланган. Вилоят марказининг жамоли ўзгача: Мустақиллик, Ўзбекистон сингари кўчалари, Ёшлар, Маънавият ва маърифат марказлари, “Бахт уйи” каби кўплаб бинолар шаҳар чиройига чирой қўшган. Янги замонавий уйлardan иборат “Намуна” маҳалласи, кўп қаватли турар жойлар, муҳташам савдо расталари шаҳар қиёфасини ўзгартириб юборган.

Эндиликда Гулистон булбуллари-нинг чаҳ-чаҳи ҳам дунёга тарала бошлади. Шу йил баҳорда Россиянинг Суздали шаҳрида бўлган “Олтин халқа” халқаро иқтидорли болалар ва ёшлар фестивалида Гулистон шахридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби

ўқувчиси Биллиддин Назруллаев биринчи ўринни эгаллади. Биллиддин хорижда ўтказилган халқаро танловда ғолиб чиққан биринчи сирдарёлик шифада ҳамюртлари фаҳрига айланди. Ёш истеъдод соҳиби бунгача М. Қориевнинг номидаги ва “Камалак юлдузлари” республика танловларида биринчи ўринни эгаллади, Озарбойжоннинг Боку шаҳрида VI “Мугом” халқаро фестивали лауреати бўлди. 2015-2016 йилларда Хоразм ва Андижонда ўтказилган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” танловининг республика босқичи ғолиблари сифидан жой олди.

Ушбу болалар мусиқа ва санъат мактабини тугатиб, Успенский номидаги ихтисослашган академик лицейга қабул қилинган, бу йил “Камалак юлдузлари” республика болалар ижодиёти фестивали лауреати бўлган Шахзод Муҳаммадиев ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Тенгдошлари орасида тенгсиз топилиб, Россия ва Озарбойжонда дунёнинг ўнлаб давлатларидан келган ёш истеъдодларнинг пешқадами бўлган Гулистон булбуллари Сирдарёнинг чинакам фарзандларидир.

— Суздалда “Қоши ёсинму дейин” ашуласини ижро этдим, — дейди Биллиддин. — “Биринчи ўрин — Ўзбекистон” деб эълон қилинганда бахт нималигини хис қилдим. Бу йил болалар мусиқа ва санъат мактабини тугатиб Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги академик лицейга имтиёзли равишда қабул қилиндим.

МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида: “Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топиши-

да бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда” дея муносиб баҳо бериб, “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник ба-

Она юртим — олтин бешигим

засини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарорни қабул қилиш масаласини кўтарган эди.

Дастурга асосан Болалар мусиқа ва

эслаш фойдадан холи бўлмас. 1990 йилда мамлакат бўйича 210 та мусиқа ва 101 та санъат мактаблари бўлиб, уларнинг 57 таси бошқа ташкилотларга қарашли ижара жойларда, 198 таси мослаштирилган иморатларда, фақат олтинмишга яқини ихтисослашган биноларда жойлашган, еттига туманда эса умуман мусиқа мактаби бўлмаган. Мавжуд мактабларнинг 161 таси ўтган асрнинг 40-50-йилларида ҳашар йўли билан ҳам гишдан тикланган. Хуллас, замон талаблари даражасида ёндошилганда, мусиқа

ГУЛИСТОН БУЛБУЛЛАРИ

санъат мактабларини барпо этиш, мавжудларини замонавийлаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, халқаро талаблар даражасида шарт-шароит яратилди.

Ўсимда бор, ушбу Дастур доирасида 2009 йили пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби мамлакатда биринчи бўлиб капитал реконструкциядан чиқарилиб, фойдаланишга топширилган экан, бу тантананда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этганди. Шунда, ёнимда турган ота-оналардан бири ҳаяжонини яширолмай: “Ўғлим шу мактабнинг тўртинчи синфиди ўқийди. Президентимизнинг фарзандларимизга кўрсатаётган ғам-хўрлигини кўриб турибмиз. Илгари бундай имкониятни тасаввур ҳам қила олмас эдик”, деганди хавас билан.

ЭСКИ МАКТАБЛАР

Амалга оширилган бунёдкорлик ишлари нақадар юксаклигини аниқлаш учун чорак аср кечмишга чекиниб, ўша вақтдаги аҳволни бир кўр



Устоз Абдурахим Рустамов шогирди Биллиддин Назруллаев билан.

мактабларининг 90 фоизи тиклаш-таъмирлашга муҳтож эди. Мамлакатнинг кўпгина туманларида санъат мактаблари очилмаган. Ўқув дастурлари асосан собиқ марказдан юборилган учун миллийликдан анчайин йироқ, моддий таъминот эса огир, аксарият ҳолларда ўқувчи мусиқа чолғусини ота-она сотиб олиб берарди. Бундай шароитда таълим олган ўқувчининг билим даражаси ҳам шунга яраша бўлади: 1991 йилда

республика бўйича мусиқа мактабларининг иқтидорли ўқувчиларидан уч нафаригина халқаро танловда қатнашиб, иккитаси биринчи ўринни, биттаси иккинчи ўринни эгаллаган, холос.

ЯНГИ КОШОНАЛАР

2009-2014 йилларда Дастур доирасида республикамизда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, 138 та замонавий болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилди, 145 таси капитал реконструкция қилиниб, мусиқа чолғулари, асбоб-ускуна, ўқув мебеллари, дарслик, ноталар билан таъминланди. Миллий чолғуларни юртимиздаги моҳир усталар тайёрлаб берган бўлса, европа чолғуларининг энг яхшилари хориждан келтирилди.

Янги мактабларнинг яна бир муҳим жиҳатини таъкидлаш жоиз: аввал мактаблар санъат ёки мусиқага йўналиштирилган бўлса, эндиликда бир мактабда ҳар икки йўналиш ҳам қамраб олинди. Мусиқа йўналишида анъанавий ижрочилик, эстрада хонандалиги, ўзбек халқ чолғулари, фортепиано, зарбли ва дами чолғулар, оркестр, хор ижрочилиги сингари, шунингдек, санъат йўналишида тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, ёғоч йймакорлиги, амалий санъат, бадий каштачилик, ганчкорлик, мисгарлик каби тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилди. Мақсад — юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз Ватани, халқига садоқатли, миллий санъат анъаналарини ўрганган, айни вақтда мумтоз мусиқа, тасвирий санъатни идрок ва ижро этадиган истеъдодларни тарбиялашдир.

— 2014 йилда 20 дан ортиқ, 2015 йилда 30 дан, 2016 йилда 40 дан ортиқ ўқувчиларимиз республика миқёсидидаги кўрик-танловларда қатнашди, — дейди фахр билан Гулистондаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Абдурахим Рустамов. — 2011 йилгача

сирдарёлик болалар умуман хорижда ўтказилган халқаро тадбирларда қатнашмаган эди. 2014-2016 йилларга келиб, халқаро танловларда фарзандларимиз ғолиб бўлишни бошлашди. Барчаси мактабимизда яратилган шароитлар натижасидир.

ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАС

Давлат дастури қабул қилингандан кейин болалар мусиқа ва санъат мактабидида ўқувчилар сони сезиларли равишда ортиди. Республика бўйича 2008 йилда 38 минг нафар ўқувчи таълим олган бўлса, 2016 йилда уларнинг сони қарийб икки баробарга ошди. Албатта, замонавий мусиқа чолғулари билан таъминланган муҳташам маданият масканида ҳар бир ота-она ўз фарзандини ўқитиши келади.

— Аввал ўқитувчиларимиз умумтаълим мактабларини айланиб, ўзи шогирд топиб келарди, — деб суҳбатимизни давом эттиради А. Рустамов. — Катта ҳаракатлар билан ҳар йили 200 тагача ўқувчи ййгардик. 2012 йили мактабимиз реконструкция қилингандан кейин болалар ёпирилиб кела бошлашди. Ҳозир 430 дан ортиқ ўқувчимиз бор. Эстрада хонандалиги ва гитара синфи очилди. Бадий тикиш, дизайн каби янги йўналишлар фаолият бошлади. Ҳозир фортепиано бўлимида 90 га яқин бола ўқияпти, 8 та мутахассис ўқитувчимиз бўлса-да, яхши мутахассисларга эҳтиёжимиз бор.

Ўз-ўзидан таълим сифати бораборида натижалар ҳам юксалди.

— Яратилган шароитлар самараси ўқувчи эришаётган муваффақиятларда кўринади, — дейди Халқ таълими вазирлигининг Мусиқа ва санъат мактаблари бошқармаси бош назоратчиси Исомиддин Пўлатов. — 1991 йилда уч нафар ўқувчи халқаро танловда қатнашган бўлса, 2016 йилнинг ўтган даврида 118 нафар ёшларимиз хориждаги нуфузли халқаро танловларда ғолиб бўлди. Дастур қабул қилингандан буён болалар мусиқа ва санъат мактабларининг 696 нафар ўқувчиси Франция, Германия, Италия, Австрия, Латвия, Чехия, Озарбойжонда ўтган халқаро танловларда фахрли ўринларни эгаллади. Бу фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган мусиқа ва санъатта доир тадбирларнинг савияси ҳам кўтарилди. Иқтидор-

ли ўқувчиларни кўлаб-қувватлаш мақсадида “Санъат гунчалари”, “Она юрт оҳанглари”, “Истеъдод”, “Ягонасан, муқаддас Ватан!”, “Камалак юлдузлари” каби кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Биргина “Ягонасан, муқаддас Ватан!” танловининг туман, шаҳар, вилоят босқичларида эллик мингдан ортиқ ўқувчи иштирок этади.

Бугунги кунда мусиқа ва санъат мактабларида ижодкорлик, янгиланиш, юксалиш жараёни кечаётганини таъкидлаш жоиз. Бу давомли жараёндир, чунки давлатимиз томонидан болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини ривожлантириш борасида бошланган бунёдкорлик ишлари изчил олиб борилаётган. 2016-2020 йилларда 98 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари барпо қилиш кўзда тутилган. Жумладан, 40 та янги мактаб қурилади ва 58 та мактаб капитал реконструкция қилинади. 2016 йилда улардан 17 таси фойдаланишга топширилди.

САНЪАТ ЧАШМАЛАРИ

Юртимиз шаҳар ва қишлоқларида кейинги йилларда яна бир ибратли анъана юзага келди. Байрам ва тантаналарда болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ижодий кўргазмаси, ёш истеъдодларнинг чиқишлари барчага қувонч улашмоқда.

— Мактабимизда бу йил илк бор опера кўшиқлари концерти бўлиб ўтди, — дейди Абдурахим Рустамов. — Ўқитувчиларимиз Юлиана Нормухамедова, Шерзод Тешабоев, Азиз Бобоев жаҳон опера санъати намуналаридан ижро этишди. “Анъанавий хонандалик”, “Чангчилар”, “Дуторчилар”, “Скрипкачилар”, “Катта хор” каби ййгирмага яқин ансамблларимиз бор. 2015 йили “Ўзбек халқ чолғу созлари” ансамблларимиз биринчи халқаро кўповозли оркестр ва ансамбллар фестивалида ғолиб бўлди. Қуни кеча “Наво” телеканалда Шахзодни кўриб, хурсанд бўлдим. Маъмуржон Узоқовнинг “Елғиз” ашуласини чиройли ижро этди. Катта устозлар муносиб баҳолашди. У пойтахтдаги олий санъат масканларида таълим олиб, юртимизга муносиб хизмат қиладиган санъаткор бўлиб етишишга ишонаман.

Шубҳасиз, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг бугунги ўқувчилари маданиятимиз келажигидир.

Ҳумоюн АКБАРОВ

БИР ДАСТУР — ИККИ КОНЦЕРТ

Дилором Сайдаминова изла-нишдан чарчамайдиган таниқли композиторлардан бири. Унинг асарлари чуқур бадий мазмунли, бетакрор миллий ўзига хослигига шакл ва жанрлар хилма-хиллиги, товуш товланишлари билан аж-ралайди туради. Компо-зитор ижодидаги ай-ван шу фазилатлар консерваторияда бўлиб ўтган Фортепиано концерти тақдимо-тида яққол кўзга ташланди. Бу ҳақда консерватория кафедр-а мудир, доцент Ойдин Абдулла-ева ҳам тўхталиб ўтди.

Оркестр учун иккита фортепианога мўлжалланган мазкур асарни созандалар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Ади-ба Шарипова ва Виталий Сафонов ижро этди.

Асар бир қисмдан иборат бўлса-да, унда турли мусиқий шакл хусусиятлари уйғунлашиб кетган. Концерт асосини бир қис-мга келтирилган симфоник туркум ташкил этади. Унда соната, му-

раккаб уч қисмли асар унсурла-ри аниқ сезилиб туради. Худди шундай уйғун тарздаги бир қис-мий шакл илк бор таниқли ком-позитор Ференц Лист ижодида кўзга ташланиб, XIX асрнинг ик-кинчи ярми ва XX аср бошида

Тақдирот

Морис Равель, Сергей Прокофьев каби компо-зиторлар ижодида ри-вожлантирилган. XXI асрга келиб бир қисмли асар янги усуллар, хилма-хил оҳанг техникаси билан бойиб, ғоят ихчам ва лўнда шакл касб этди, тинглаш учун ҳам анча қулай бўлди. Ушбу асар туфайли концерт жанри Дилором Сайда-минова талқинида янги сифат ўзгаришига кўтарилди. Яна ҳам аниқроғи, композитор мусиқининг тингловчи тафаккурига кучли таъсир қилувчи омилларини топа билди. Яқка ижрода фортепиано-нинг фақат ўзигагина хос хусуси-ятлари ўзбек анъанавий мусика-си унсурлари билан уйғунлашиб кетади, композиторлик ижодида-ги техник воситалар эса замона-

вий услублари билан тингловчи-ни хайратга солади. Асар форте-пиано жўрлигида ҳам ўз моҳияти-ни сақлаб қолган. Шу маънода Адиба Шарипова ҳамда Виталий Сафонов оркестр жўрлигида кон-цертнинг овоз бойлигини, симфо-ний яхлитлигини тўлиқ очиб бе-ришга муваффақ бўлдилар. “Кон-церт устиди ниҳоятда қизиқиб, завқ билан ишладик, — дейди А.Шарипова. — Бу асар томоша-бинга гўзал овозли образлар, бе-такрор мусиқий янгиликлар бери-ши билан аҳамиятли”.

Концертдан сўнг санъаткорлар жўрлиги Румиль Вильдановнинг “Байрам” концерт-песасини ҳам маҳорат билан чалишди. Асар мусиқанинг уйғунлиги, ёқимли лирик жанрли, қўй товланишларидаги ҳаётсеварлик оҳанглари билан тингловчиларни жалб этди. Бу жанрнинг ифодавий имкониятла-рини чуқур тушунган созандалар гўзал мусиқанинг анъанавий хусу-сиятларини аниқ ифодалаш билан бирга, ундаги кўтаринкиликни мухлислар қалбига ҳам етказишга муваффақ бўлдилар.

Ирина ГАЛУШЕНКО,
санъатшунослик фанлари
номзоди

“АИДА” ЯНА САҲНАДА

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри жамоаси Жу-зеппе Вердининг “Аида” операсини янги талқинда мухлислар ҳукмига ҳавола этди. Опера тарихий мавзуда бўлса-да, ўзида инсонпарварлик, соф муҳаббат, уруш ва қон тўкишга қарши ғояларни акс эттиргани билан бугунги ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, операда Шарқ маданияти-нинг гўзаллиги ва ўзига хослиги

композитор томонидан алоҳида тал-қин этилган.

“Аида” операси муси-қанинг қудрати ва бетак-рор жаранги билан то-мошабинни ўзига жалб этади. Унда давр ҳақиқатлари ва ижтимоий во-қелик чуқур драматизм билан йўғрил-ган мусиқа орқали очиб берилади. Маълумки, “Аида” операси қадимий юнон сюжетлари асосига қурилган. Асар либреттоси Гисланцони қала-

Янги томоша


мига мансуб бўлиб, унда оммавий саҳналар, тантанали воқеалар, куч-ли ансамбл мавжуд. Опера мусиқа-си италян оҳанглари асосида ёзил-ган бўлса-да, баъзи саҳналарда шарқона услуб кўзга ташланади.

Операнинг янги по-становкаси Ўзбекистон халқ арти-сти Фирудин Сафаров томонидан амалга оширилди. Мусиқий раҳбар ва дирижёр Ўзбекистон халқ арти-сти Дилбар Абдурахмонова. Дири-жёр Қорақалпоғистон халқ артисти Аида Абдуллаева. Саҳналаштирув-чи рассом Зубайдулла Ботиров, либослар рассоми Лобар Пол-вонова, хормейстер Наталья Куприянова.

Спектаклдаги асосий рол-лари театрининг таниқли ва ёш солистлари Хатам Йўлдошев, Георгий Дмитриев (Миср шоҳи), Яника Багранская, Фе-руза Юсупова (шоҳ қизи Амне-рис), Галина Голубкова, Саида Мамадалиева, Мария Полянова (Аида), Неъмат Синхабиби (Ра-дамес), Кирилл Барчанинов, Мехриддин Мелиев (Ромфес), Ринат Титеев (Амонасро), Ну-рмахмат Мухамедов, Александр Полонский (Чопар) маҳорат би-лан ижро этмоқда.



БОБ ДИЛАННИНГ УМР БОБЛАРИ



юксак поэзияни оммабоп мусиқа билан уйғунлаштиришга эришди. “Нобель” хайъати ярим асрдан ошқ вақт даво-мида бу йўлда самарали ижод қилиб келаётган хонандани “Американинг буюк кўшиқчилик анъаналари доирасида янги поэтик ифода усулларини яратгани учун” мукофотлагани сабаби ҳам шунда. Дарвоқе, Б.Дилан бундан аввал ҳам “Нобель” мукофотида номзодлар қаторидан жой олган. 2008 йили нуфузли Пулитцер мукофотида ҳам сазовор бўлди. Унинг “Бий” экспериментал романи ва “Йилнома” автобиографик асари нашр қилинган. Ҳозир етмиш беш ёшга қадам қўйган Боб Дилан дунёнинг турли мамлакатларида концерт дастурларини ўтказиб, янги кўшиқлари учун шеърлар ёзишда давом этмоқда. Айни чоғда, унинг ўз ижоди ҳақида айтган фикрлари ҳам қўймалиги ва самимилиги билан эътиборни жалб этади:

Кўнгила кузи

Мухими мен эмас, кўшиқларим. Мен бор-йўғи уларни одамларга ет-казиб берувчи “хатташувчиман”.

Илҳом ҳамиша ҳам меҳмон бўлиб келавермайди. Шундай экан, уни қаерда учратсанг, ўша жойда уш-лаб ол.

Элвисни биринчи бор тингла-нимда, шуни тушундимки, мен энди ҳеч кимнинг измига юрмайман ва ҳеч ким менга ҳўжайинлик қилолмайди. Мен уни тинглаганимда ўзимни гўё зиндондан озод бўлган одам синга-ри хис қилганман.

Баъзи одамлар ёмғирдан завқ оли-шади, баъзилар эса шунчаки шалаб-бо бўлишади.

Бугун ёшлар кўчада қўл телефо-нию айподаларни кўтарганча, бош-дан оёқ турли файллару видеоўйин-ларга ўралайб юришини кўриш — ҳафсаламни пир қилади, мени куч-дан қолдиради. Буларнинг бари ёшларнинг шахсиятини ўғирлаб, ҳақиқий ҳаёт тўлқинларига созла-нишга йўл бермапти.

Камина юз миллиондан ортиқ пла-стинкаларини сотишга эришгани рист. Аммо бу қандай юз бергани борасида менда ҳеч қандай мулоха-за йўқ.

Ўзини менинг мухлисим, деб атов-чилар олдида ҳеч қандай масъуля-ти хис қилмайман. Мен нимани ярат-ган бўлсам, фақат шу учун жавобгар-

ман, мухлислар яратиш билан эса шу-ғулланмайман.

Омад — бу тонгда уйғониб, кечку-рун ўқуга кетиш ва ана шу икки воқеа оралиғида ўзинга чиндан ҳам ёққан иш билан шуғулланишга улғуриш.

Бир вақтнинг ўзида ҳам ошқ, ҳам доно бўлишнинг илоҳи йўқ.

Бутун умрим давомида атиги тўртта кўшиқ ёзганман ва шу тўртта кўшиқни миллион марта қайта кўчи-рганман.

Боб Дилан ҳамиша мавжуд эди, ҳатто мен дунёга келишимдан олдин ҳам. Бу ролни ижро этаётганим са-баби, эҳтимол, ҳаммадан кўра кўпроқ унга мос келганимдир.

Ўзбекистонимизнинг мустақил давлат сифатидаги мавқеи, халқаро майдондаги обрўси кун сайин ортиб бормоқда. Жаҳоннинг турли мамлакатлари билан дипломатик алоқаларимиз янада мустаҳкамланмоқда. Ана шундай бир шарафлиқ ҳақиқатимиз орасидан етишиб чиққан буюк давлат арбоблари, инсоният тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган улугъ салтанатлар барпо этган аждодларимизнинг дунё халқлари ўртасидаги ўзаро алоқалари, бирдамлик, ҳамжиҳатлик йўлида олиб борган ишларини ўрганиш улкан маърифий аҳамиятга молик. Бу жиҳатдан, айниқса, буюк давлатчилик сиёсатини изчил олиб борган шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг элчилик алоқаларига юксак аҳамият қаратгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Элчилар элнинг кўз қарағи. Улар ўз ватани шони-шарафини, ўз миллатининг юксак маънавиятини дунёларга танитувчи мардона ва фозил кишилардир. Айни фазилатлар Бобур элчиларига ҳам хос бўлган.

«Хожа Мавлонои қозининг оти Абдуллодур. Бу от била машур бўлуб эди. Ота тарафидин насаби Шайх Бурхониддин Қиличқа мунтаҳи бўлур. Она тарафидин Султон Илик Моийга етар. Фарғона вилоятида бу табақа муктадо ва шайхулислом ва қози бўла келгандурлар. Хожа қози ҳазрати Хожа Убайдуллонинг муриди эди», деб ёзади Бобур («Бобурнома», 1989, 51-бет).

Хожа Мавлонои қози Бобурнинг Самарқандни эгаллаш учун юришида қатнашган, Андижон тахтини ганимлардан ҳимоя этишда фидойилик кўрсатган.

Еш теурийзода Бобур ёнида яна бир ишончли элчиси — Хожа Хусайн бор эдики, у умрининг охиригача Бобур саройида сидқидилдан хизмат қилди. Элчи Хожа Хусайн Бобурнинг отаси Умаршайх мирзога хизмат қилган. Умаршайх мирзо унинг Улус оға исми қизи-га ўйланган эди. Бу ҳақда Бобур шундай ёзади: «Хожа Хусайнбек... одми ва фақир киши эрди. Ул замон дастури била ичуларда қўшуқларни яхши айтур экандур» («Бобурнома», 15-бет). Бу элчини Бобур 1530 йили Россияга юборган.

Бобур Ҳиндистоннинг қўрғони ёки вилоятини эгаллашдан олдин ўз элчиларини юбориб, бобоси Амир Темур салтанати тасарруфида бўлган, яъни «қадимий туркча тааллуқ ерларни» қайтариб беришни талаб этади. У ўз элчиси Мулло Муршиддин Панжоб ҳокими Давлатхон ёнига, Дехли султони Иброҳим Лўдий олдида жўнатади. Элчи Шох-хасанин Панжобдаги Желам дарёси бўйидаги Хушоб шаҳрига, Қаландар пидан Шимолий Ҳиндистондаги Баёна вилояти ҳокими Низомхон каби беклар хузурига юбориб, уларнинг тинч йўл билан бўйсунушларини сўрайди.

Хуросон ва Мовароуннахрнинг таниқли султонлари эса савдо-сотиқни ри-

вожлантириш, дўстлик ва омонликда яшашни истаб ўз элчиларини юбордилар. Айниқса, Ироқ ва Озарбойжон шоҳи Таҳмосп ўз элчиси Ҳасан Чалабийни дўстлик ва тинчлик ёрлиғи билан Бобур саройига ўйлаган. Ҳасан Чалабий ҳақида «Заҳириддин Муҳаммад

нинг невараси) ва Хожа Калон ва Хожа Хусайний (Хожа Чоший — Бобур элчиси) ва Халифа яна Самарқанддин келган хожаларнинг тавобеи ҳофиз ва муллолар ўлтурдилар. Сўл қўлумда беш-олти қари — Муҳаммад Замон мирзо ва Тонготиш султон ва Сайид Рафе ва Сайид Румий ва Шайх Абдулфатҳ ва Шайх Жамолий ва Шайх Шихобиддин араб ва Сайид Дакний ўлтурдилар. Жамий салотин ва ҳавонини ва ақобири ва умаро ошдин бурун қизилдин, октин, қорадин, рахтин, жинстин сочиқлар кюрдилар...» («Бобурнома», 323-бет).

Бобур барча элчиларга, улугъ хожаларга, ўз фарзандларининг навкарларига қимматбахо совғалар бергани ҳақида ёзган. Энг муҳими, унинг ўзи Андижондан келган меҳмонларга «бевилоят ва беватан юрган ерларимиз ва Сўх ва Хушёрдин келганларга қамқонлар ва қумош хилъатлар ва олтиндан ва қумуш-

дан бориб, элларни элларга дўст қилиш, турли миллат кишиларининг дилларини дилларга яхшилик робиталари билан пайвандлашни ўз олдида мақсад этиб қўйди.

Бобур 1530 йил кузида Россияга катта қарвон юборишга, унга қўшиб Хожа Хусайн бошлиқ элчилар гуруҳини рус подшоиси хузурига савдо-сотиқни йўлга қўйиш, дўстлик ҳақида битим тузиш учун отлантиришга қарор қилди. У «Бобурнома»да турли вилоят ҳокимлари бўлган фарзандларига, Афғонистон, Ҳиндистон, Хуросон ва Мовароуннахр хон ва бекларига ўз дастхати билан нома ёзиб жўнатгани ҳақида ёзган. Бу гал ҳам шундай бўлди. У ўз дастхати билан рус подшоиси, улугъ князь Василий номига нома ёзиб, соғва-саломлар ортлган катта қарвон билан Хожа Хусайнни Россияга узатиб қолди.

Хожа Хусайн бошлиқ элчилар гуруҳи қарвон билан Аградан Кобулга келган, Кобулдан Жалоло-

бодга, ундан кейин Амударёдан ўтиб, Бухорога келган. Нихоят, Бухородан қадимий Хоразм пойтахти Қўҳна Урганча борган. Ундан Мангишлоқ орқали Саройик (Берка Султон саройи) қалъасига, Волга дарёсидан қўҳна Россия шаҳарлари бўйлаб Шимолга — Москвага йўл олган. Орадан уч йил ўтиб, Москвага кириб келган. Бу даврда Россияда ҳукмронлик қилган князь Василий (1479 — 1533) оламдан ўтиб, тахтга унинг уч яшар ўли Иван Васильевич — Грозний (1530 — 1584) кўтарилган эди. Ёш Иван Грозний номидан давлат ишларини вақтинча князь ва боярлар олиб борганлар. Аграда эса катта қарвон билан элчи Хожа Хусайнни узоқ йўللарга кузатиб қолган Бобур ҳам 1530 йилнинг 26 декабрида оламдан ўтган эди. Россия подшоиси саройида Бобур элчилари катта ҳурмат, эътибор билан кутиб олинади. Элчи Хожа Хусайн Бобур подшо дастхати билан ёзилган номани, шарқона олтин, қумушдан ясалган совғаларни рус подшоига топширган. Бу тўғрисида рус шарқшунос олими Я.В.Хаников «Пояснительная записка к карте Аральскаго моря и Хивинскаго ханства (Записки Императорскаго Русскаго географическаго общества)» (1859) китобида батафсил маълумот берган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Бобур подшо элчилари ўз ватани ва миллати равангаи учун, ўз ҳукмдори учун жон фидо қилган, дунёга тинчлик ва дўстлик ташрифи билан довруғ солган элчилар бўлган.

Анбара ОТАМУРОВА,
фахрий журналист

Гул кўп, чаман кўп

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАҲОЛАРИ

ЖАҲОНШУМУЛ ЖОТТО

Тамоман янгича ғоя асосида яратилган бетакрор асарлари билан Европада Уйғониш даври эшикларини очиб берган бетакрор ижодкор Жотто ди Бондоне рассомлик санъатида янги йўналиш бўлган реализм асосчиси. У Византияда урғга айланган аънавий икона тасвирчилигидаги қатъий қолипдан, ўша давр диний рисолаларидаги қонунлардан воз кечиб, мазмун ва шакл жиҳатдан янги асарлар яратди.

Санъатда бадий қиёфа унинг мазмуни ва шакли тушунарли орқали ёрқинроқ англашिलाди. Бу жиҳатдан Жотто диний лавҳаларга дунёвийлик бахш этган, сийкаси чиққан бир хил мавзуларни ҳам ҳаётийлик билан талқин қилган рассом ва архитектордир. Унинг асарлари нечача рассомларни илҳомлантирган. Леонардо да Винчи, Рафаэль, Микеланжело, Мазаччо ва бошқа кўпбал рассомлар уни маънавий устоз деб билган. Жотто дунёқараши уларнинг ижодида сезиларли рол ўйнаган. Бутун дунёга донги кетган Падуддаги дель Арена капелласи, Флоренциядаги Санта Кроче черкови фрескалари об-разларнинг ички қудрати ва улугъворлиги, композицион қурилиши, қатъий колорити билан ҳозир ҳам дунёни ҳайратта солмоқда.



1267 йил. Флоренция шарқда жойлашган Виккьо шаҳарчасидан унча узоқ бўлмаган Колле де Веспиньяно қишлоғида оддий деҳқон оиласида дунёга келган гўдакнинг келаганини ҳеч ким башорат қилмаганди. Оила-турмушнинг битмас-туганмас эҳтиёжлари учун кўмаклашишга жуда эрта андармон бўлган кичик Жотто болалигиданоқ қаламга ошно тутилган эди. Ёш чўпон далада қўйларни тасвирлар экан, уларни қайта-қайта жонлантирар, табиатнинг латофатига ўз ички олами гўзалликларини қўшиб, ажойиб суратлар чизарди.

Шундай кунларнинг бирида унинг ҳаётини ўзгартириб юборган учрашув содир бўлди — ҳар доимги машғулотига шўнғиган ўн ёшли Жоттони машҳур рассом Чимабуэ қўриб қолади. Унинг жонли тасвири, табиат жисмларини ўзига хос кўра олиши, фон бериш, ҳатто иккинчи пландаги унсурларни ҳам тасвирлашдаги маҳоратидан ҳайратланган устоз рассом Жоттони шогирдликка олади. Адабий манбаларда Чимабуэ асарларини шогирди қўзи билан баҳолагани, агар унга ёқмаса, дарҳол бу асарнинг баҳридан ўтгани тилга олинади. Жотто устози билан Флоренция, Рим ва Ассизи шаҳарларида фрескалар устида бирга ишлайди.

1288 йил. Ассизидан Сан Франческо черковининг юқори қисмида Исаак ва Иаков тарихига оид икки тасвир ишланади. Асарнинг композицион қурилиши, қаҳрамонларнинг жонли тасвири, нафис ва ўта ингичка ишланган моделировка, ранглар уйғунлиги ва соялар орқали яратилган бир бутун жозиба ўша давр учун буткул янги ҳодиса эди. 28 эпизоддан иборат туркум жуда қисқа фурсатда — икки йилда яратилгани учун, уни бир рассом эмас, бир гуруҳ рассом ишлаган, деган тахминлар пайдо бўлган. Бироқ ғоявий яхлитлик, раво тасвир тили ва умумий ечим бу фикрни инкор этади. Тадқиқотчилар бу ишни Жотто Чимабуэ билан бирга ишлаган, деган тахминни ҳам ўртага ташлашган.

1290 — 1295 йиллар. Флоренциянинг яна бир машҳур черкови — Санта Мария Новеллада чормиҳга тортилган Исо сурати чизилади. Бу сурат ҳам ёндашув, янги унсурлар, ўзгача тасвир воситалари, руҳий таҳлили билан Сан Франческода ишланган фрескани ёдга солади. Асар йигирма ёшли Жоттонинг биринчи мустақил иши эди. Баланглик олти метрли ушбу асар тез орада тақлид нишонига айланади ва мукаммал композиция бир неча рассомлар томонидан кўчирилади.

1303 — 1305 йиллар. Сан Франческо фрескалари ўзига хосликлари янада ёрқинроқ акс этган тасвирлар Падуд шаҳридаги дель Арена капелласида ҳам пайдо бўлади. Аънавий туркумларда акс этган идеал рангтасвир, соя билан ишлаш санъати, фоннинг асосий тасвир билан яхлит сюжет ҳосил қилиши аллақачон Жоттонинг дастхатига айланган улуғрган, унинг асарларигагина хос бу хусусиятлар ўша даврнинг бошқа бирор рассоми ижодида кузатилмади, шу тўғрйли тасвирларда Жотто «таниб олиш» қийинчилиги туғдирмасди. Баъзи манбаларда капелланнинг архитектори ҳам айнан Жотто бўлгани қайд этилган. Бу асар Жотто ижодининг энг юқори чўққиси бўлиб, Европа рангтасвирида буткул бурилиш ясаган санъат намуна-сидир. Ўттиз олти фрескадан иборат яхлит туркумда бошқа тасвирларда учрамайдиган инсон тасвири жонлантирилиб, бу орқали ҳаракатланаётган фазо вуҷудга келган эди.

Агар ўрта асрлар тасвирий санъатига хос асосий хусусиятларга эътибор қаратсак, одамлар қиёфасининг деярли бир-бирига ўхшаш, ҳеч қандай кечинмаларсиз акс этганини, ноаниқ, баъзан ўйлаб топишган маконда тасвирланганини кўрамиз. Жоттонинг янгилиги эса, ҳар бир персонаж, ҳатто иккинчи даражали орқа ва чет фонлардаги қаҳрамонларнинг ҳам руҳий ҳолати точи билан берилган, юз ифодаси ва туриш-туруши орқали ҳис-туйғулар кўрсатилиши, макон тушуначасининг яққол намоиши, тасвирнинг буткул жонлантирилгани билан асосланади.

Афсуски, Жоттонинг барча асарлари ҳам бугунги кунгача сақланиб қолмаган. Зилзилалар, турли табиий оғатлар тўғрйли шикастланган фреска ва деворий суратларнинг аксари қайта тикланмас ҳолатга келиб қолган. Шундай бўлса-да, Жоттонинг ўзига хос топилмалари Уйғониш даврининг асосий тамойили ва йўналишига айланди. Рассом услубидаги руҳий таҳлил, композицион яхлитлик, макон ва замон акси кейинчалик Мазаччо, Леонардо да Винчи, Микеланжело каби рассомлар томонидан юқори чўққига олиб чиқилди.

Парвина ОМОНОВА тайёрлади



Шеър ҳаваси

УМРИМНИНГ ПАҲЗАЛАРИ

Умримиз ўтаверак тақрорланмас дамларда,
Гоҳида юлдузлару гоҳида шабнамларда,
Неча-неча умид бор чироқлару шамларда,
Сени тўхтатолмайман, умримнинг лаҳзалари.

Гоҳида бир кун сўраб, бир дамга интиқ гоҳи,
Сўраган билан қайтмас, ортга чекинмас дунё,
Ҳар дақиқа, онлари кўзгинамга тўғиё,
Сени тўхтатолмайман, умримнинг лаҳзалари.

Дўст тутининг, дўст бўлгин, тўғри бўлса гар дили,
Қалбимга сен қулоқ сол, топишар шунда йўли,
Холмёр ҳам шундайин дўстларнинг бўлғай қули,
Сени тўхтатолмайман, умримнинг лаҳзалари.

ЧИН ДЎСТ

Ҳаётда яшаш-чун курашмоқ керак,
Чирокнинг, машъалинг бўлсин ҳақиқат.
Йўлингда ҳар неки тўсиқ учраса,
Енгиб ўт, улоқтир, бўлмагин диққат.

Ёнингда доимо бўлсин чин дўстинг,
Доимо у сенга бўлсин ҳамқадам.
Яхши кунларингда ёнингда турсин,
Ёмон кунингда ҳам бўлолсин ҳамдам.

Холмёр ҚОДИРОВ,
шифоқор

“АЛПОМИШ” ТАВСИФИДА

Таниқли адиб, таржимон ва мунаққид Отаули (Раҳим-жон Отаев) насрий дostonлар, қиссалар ва ҳикоялардан ташқари “Бир асар таҳлили” руқндаги кўпгина танқидий бадиаларнинг ҳам муаллифидир.

Отаулининг “Халқнинг ўлмас руҳи” асарида (“Янги аср авлоди” нашриёти, 2016) ўзбек халқ оғзаки ижодининг гултожи — “Алпомиш”

Янги нашр

дostonи адабий-эстетик таҳлил қилинган. Муаллиф ўзбек фольклористларидан фарқли ўларок, “Алпомиш” дostonининг ғоявий мазмунини, образлар тизимидаги кутблар (ижобийлик-салбийлик) масаласини эмас, балки асарнинг бадий бойлиги, гўзаллигини Ҳакимбек ва Барчиной сингари, ёрдамчи қаҳрамонлар ҳамда дostonнинг бадий тизимида муҳим рол ўйнаган ҳаётий-мифологик воқеаларни чуқур эстетик таҳлил орқали очиб берган.

Филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов китобга ёзган сўзбошисида таъкидлаганидек, “ушбу асар ҳозирги ўзбек адабиётшунослигидаги эстетик таҳлил санъатининг энг яхши намуналаридан бири”.



лишига доир асарлари намоиш этилмоқда. Ашуши Фуку-нинг асарларида мавзу ва ранг уйғунлиги томошабинни мушоадага қорласа, Масафуми Санаининг “Хаёт” туркум фотосуратларидаги гўзал манзаралар кишига хотиржамлик бағишлайди. Миюки Ёкомидзо, Нобуоки Такашани, Тэцуя Накамура каби ижодкорларнинг ишларида бугунги япон ёшлари муражат қилаётган қизикчарли услублар, яратувчанлик иштиёқи кўзга ташланади. Мазкур кўргаз-

ма ўзбекистонлик тенглошларини япон ёшларининг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таништириш мақсадида мамлакатимиздаги Япония элчихонаси ҳамкорлигида уюштирилди.

Элёр ЭГАМҚУЛОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси

Бибисора ОТАЕВАНИНГ

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ИЖОДИЙ КЕЧА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида таниқли раққоса, Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмухамедованинг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда Вилоят Оқилова, Маммура Эргашева, Қодир Мўминов сингари миллий рақс усталари иштирок этди. Тадбирни шоира Умида Абдуазимова олиб борди.

Қ.Дўстмухамедова ижодида бағишланган “Санъат дўстликка қорлайди” номли видеофилм намоиш қилинди.

— Биз Қизлархон билан ёшлигимиздан дўстмиз, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мўминов. 1968 йилда “Шодлик” ансамблига Қизлархон билан бирга келганмиз. — У ўзбек миллий рақсида ўзига хос йўналиш яратган ажойиб раққосадир.

ИПАК ЖОЗИБАСИ

Тошкент Фотосуратлар уйида моҳир каштадўз ва дизайнер Мадина Қосимбоеваннинг “Сохли ипак жозибаси” номли кўргазмаси очилди. Экспозицияда нафис нақшлар билан безилган аънаънавий аёллар чопонлари намоиш этилмоқда. Каштадўз мазкур чопонларни тикниш чоғида Самарқанд, Нурота, Шаҳрисабз, Бухоро ва Тошкент каштачилик мактабларида хос нақшлардан унумли фойдаланган М.Қосимбоеваннинг “босма” ва битгизда мураккаб “йўрма” усулида майин ипак билан тиккан нафис кашта нақшлари жозибдорлиги билан томошабиларга манзур бўлди. Каштадўзнинг маҳорати кашта учун рангларни мутаносиб танлаши ва нақшларни ўзаро мослаштира олишида ҳам яққол намоён бўлди.

Пойтахтимиздаги Халқаро маданият қарвонсаройида “Келажакка йўл: Япония ёш авлодининг санъати” номли кўргазма ташкил этилди. Унда ўн бир нафар ёш ижодкорнинг ранг-тасвири, ҳайкаттарошлик, инсталляция, фото ва видео йўна-

Томошага келинг

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ХОМЙИ:
“МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ”
АКЦИЯОРОЛИК КОМПАНИЯСИ

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг
телефонингиз орқали сканер қилинг.



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзиллими: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахририятга келган кўлэмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтариб берилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонаси.

Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.06

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўяхатга олинган. Давиди — 3580. Буюртма S — 7460. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2312-614X

